БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 268 (3769)
24 ЖУМА НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг Ахбороти ва Сиёсий маслаҳат комитетининг Москвадаги кенгашида 1978 йил 23 ноябрда қабул қилинган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Декларацияси эълон қилинган.

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети шонли сана —Венгрия Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан совет коммунистлари, бутун совет халқи номидан Венгрия ишчилар синфининг жанговар авангарди — Венгрия социалистик ишчи партиясига, халқ Венгриясининг барча меҳнаткашларига қизғин қардошлик саломи, дўстона табриклар ва энг яхши истакларни йўллайди.

● Леонид Ильич Брежнев Иордания Хошимит Қиролигининг қироли Хусайн Бин Талолга телеграмма йўллаб, унда дўст иордан халқига миллий байрам муносабати билан самимий табриклар, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик учун курашда бахт-саодат, муваффақиятлар баён этди.

● Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси подполковник Менгисту Хайле Мариам Узбекистоннинг ҳаёти билан танишиб чиқди. У расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган эди. Менгисту Хайле Мариам 23 ноябрда Тошкентдан Тбилисига учиб кетди. Меҳмоннинг мамлакат бўйлаб сафарида ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Е. Поляков ҳам у билан бирга жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Биз республика идеология ходимлари активининг Сизнинг «Қўриқ» китобингиз қоидаларидан меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш учун олиб чиқадиган Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган йиғилиши қатнашчилари Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашчи бўлган Сизга мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг муҳим тарихий босқичларидан бирида яққол ифодаланган янги ажойиб асар учун чуқур миннатдорчилик ва астойдил ташаккур изҳор этамиз.

Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши улуғ Ленининг ер бойликларидан Совет давлатининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш тўғрисидаги тоялари амалда рўёбга чиққанлигининг тимсоли бўлди. Қўриқ қаҳрамонномаси социалистик тузум азалликларининг яққол исботи, мамлакатимиздаги барча халқлар дўстлиги ва бирлигининг рамзи бўлди.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари, барча совет кишилари каби шу билан фахрланадиларки, қўриқ ерларни ўзлаштиришга, дон етиштиришни кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга Сиз, азиз Леонид Ильич бошчилик қилдингиз. Сизнинг жўшқин ғайратингиз, бой ҳаётий тажрибангиз буюк ташкилотчилик истеъдодингиз қўриқ ерларни ғалласи учун бўлган жангга бевосита роль ўйнади. Бу жангга шараф билан ютиб чиқилди, қўриқ ерларнинг ўзи эса меҳнат қаҳрамонлиги рамзи, миллион-миллион совет кишиларини тарбиялаш, уларнинг муҳим давлат ишида иштирок этиши мактаби бўлиб қолди.

Сизнинг янги китобингиз қўриқ ғалласи учун нақадар буюк кураш олиб борилганини ҳар томонлама кўрсатади, экономика билан сиёсатнинг, халқ хўжалиги соҳасидаги катта-катта вазифаларни амалга оширишда партия тактикаси билан стратегиясининг боғлиқлигини тасвирлайди. Шундан аввалги «Кичик ер» ва «Тикланиш» номли хотиралар китоблари каби «Қўриқ» китоби ҳам мазмунининг бойлиги билан ажралиб туради, совет кишиларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини бойитади, ҳар бир коммунист, барча идеология кадрлари учун беқиёс қўлланма бўлиб қолади.

Биз, Ўзбекистон меҳнаткашлари учун партиянинг қўриқ ерларни ўзлаштириш даврида орттирган тажрибаси бебаҳо бойликдир. Республикада янги ерларни ўзлаштириш учун кенг миқёсда кураш олиб борилмоқда, энди бу ерларда пахта, мева, сабзавот, узум етиштирилмоқда. Совет кишилари жанг майдонларида бўлганидек қўриқ ерларда ҳам ўзларининг бениҳоя меҳнатсеварлик, чидамлилик, саховатли бўлиш сингари энг яхши фазилатларини намоён қилдилар ва намоён қилмоқдалар.

Ленин қабилидаги раҳбарга хос Сизнинг демократлигингиз, очиқ кўнгиллилигингиз ва айни вақтда принципиаллигингиз, ўзингизга ва бошқаларга талабчанлилигингиз, большевикча саботлилигингиз, сиёсий донишмандлигингиз, кадрларни эҳтиёт қилиб меҳрибонлик билан асрашингиз, ҳамиша катта ва кичик ишлар билан сидқидилдан шуғулланишингиз — ана шу бошқа кўпгина фазилатларингиз туфли миллатларга мансуб минг-минглаб кишиларнинг аҳиллик билан дўстона ишлашини таъминлади, ишнинг муваффақиятини белгилаб берди.

Ўзбекистон коммунистлари, идеология ходимлари активи ҳозирги вақтда «Қўриқ» китобининг қоидалари, хулосалари ва тавсияларини ҳар бир коммунистнинг, республикадаги ҳар бир меҳнатчининг онги ва дилига етказишни, беш йиллик учинчи йили топшириқларини ва аввало, пахта соҳасидаги юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашга омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада сафарбар этиш йўлида хизмат қилишни ўз вазифалари деб билмоқдалар.

«Қўриқ» китоби партия ташкилотларининг меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш ишини партия режаларини беш йиллик планларини амалга ошириш йўлидаги кураш билан узвий равишда боғлаб доимо такомиллаштиришга даъват қилади. совет кишиларини мардлик ва фидокорликка, ғоявий эътиқодга, партия ва халқ ишига содиқ бўлишга ўргатади.

Ўзбекистон идеология ходимлари активи йиғилишининг қатнашчилари республиканинг барча меҳнаткашлари номидан Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг оқилона ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан астойдил маъқуллайдилар, азиз Леонид Ильич, совет халқининг, ер юзидаги барча халқларнинг бахт-саодати йўлидаги, тинчлик ва коммунизм порлоқ ғояларининг тантанаси йўлидаги тинимсиз ва самарали фаолиятингиз учун Сизга самимий ташаккур айтадилар.

Азиз Леонид Ильич, биз, Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун янада фидокорона меҳнат қиладилар, ўнинчи беш йиллик топшириқларини, мамлакатимизда коммунистик қурилиш улуғвор режаларини бажаришга қўшадиган ўз ҳиссаларини кўпайтирадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога ва шахсан Сизга ваъда берамиз.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг моддий-маиший шароитини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Шу қарорга мувофиқ Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига қуйидаги енгилликлар берилади.

Ҳар йили бир марта темир йўл транспортида, темир йўл алоқаси бўлмаган районларда эса сув йўли, ҳаво йўли ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида 50 процент арзон билет билан бориб келиш;

Улуғ Ватан уруши инвалидларига белгиланган тартибда якка уй-жой қурилиши учун процентсиз ёрдам пули олиш ҳуқуқи;

ҳар йили навбатдаги отпускадан ўзлари учун қулай вақтда фойдаланиш, шунингдек ҳар йили иш ҳақини сақлаб қолмаган ҳолда икки ҳафтагача мудлат бялан қўшимча отпуска олиш ҳуқуқи;

пенсияга чиққандан кейин илгариги иш жойида бириктириб қўйилган поликлиникадан фойдаланиш ҳуқуқи;

иш жойидан санаторияларга, профилактория ва дам олиш уйларига путёвка билан биринчи навбатда таъминланиш, шунингдек боғдорчилик ширкатларига (кооперативларга), биринчи навбатда қабул қилиш, квартирага телефонни биринчи навбатда ўтказиш ҳуқуқи берилади.

Мазкур енгилликлар граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши даврида ва СССРни ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган бошқа ҳарбий операциялар вақтида ҳаракатдаги армия составига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга, Граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши партизанларига берилади.

Бундан ташқари шу қарорга мувофиқ Улуғ Ватан уруши инвалидларига қуйидаги қўшимча енгилликлар берилади:

шаҳар атрофидаги темир йўл ва сув транспортида ҳамда шаҳар атрофидаги автобус маршрутларида текин қатнаш ҳуқуқи,

марказий иситиш системаси бўлмаган уйларда истиқомат қилувчи I ва II группадаги инвалидларга аҳолига сотиш учун белгиланган норма миқдорида сотиб олинадиган ёқилғининг нархи 50 процент камайтирилади;

III группадаги инвалидларга текин тиш қўйдириш ҳуқуқи берилади.

Бу енгилликлар, шунингдек СССРни мудофаа қилиш вақтида ёки бошқа ҳарбий хизмат бурчларини бажарган вақтда яраланган, контузия ёки шикастланган ёхуд фронтда дучор бўлган касалликлар натижасида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларга ҳам: СССР Ички ишлар министрлиги органларининг хизмат бурчини ижро қилиш вақтида яраланган, контузия ёки шикастланганлиги туфайли инвалид бўлиб қолган бошлиқларига ва оддий хизматчилари составидаги инвалидларга ҳам берилади;

I ва II группадаги Ватан уруши инвалидларини қишлоқ хўжалик солиғидан иморат солиғи ва ер рентасидан тамомила озод қилиш зарур деб топилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советига, СССР министрликлари ва идораларига Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг моддий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советига, халқ депутатлари ўлка, область ва район Советларининг ижроия комитетларига Улуғ Ватан уруши иштирокчиларининг эҳтиёж ва талабларига ҳамиша эътибор билан қараш ва қонунда белгиланганидек, уларга берилган енгилликлар ва имтиёзларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат қилиш вазифаси юкланди.

Юқорида белгиланган енгилликлар 1979 йил 1 январдан бошлаб жорий этилади.

„ҚЎРИҚ“ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Республика идеология ходимлари активининг 23 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» хотиралар китобидан Ўзбекистон партия ташкилоти учун келадиган вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда минтақа ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва ижодий уюшмалар, «Билим» жамиятларнинг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Актив йиғилишини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков очди.

«Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китобидаги қоидалар асосида республика партия ташкилотининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Шундай воқеалар бўладики, уларнинг аҳамияти асло сўнмайди, халқ хотирасида умрбод яшайди, деди Ш. Р. Рашидов. Леонид Ильич Брежневнинг янги хотиралар китоби —«Қўриқ»нинг босилиб чиқиши айни шундай воқеа бўлди, мамлакатимиз, бутун совет халқи ҳаётида зўр ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Унинг бундан аввалги «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари каби бу китоби ҳам дарҳол халқ оғзига тушди. Ҳозир уни миллион-миллион кишилар завқ-шавқ ва мароқ билан ўқиб ўрганмоқдалар.

Леонид Ильич асарларининг шу қадар катта, умумхалқ ўртасида чинакам муваффақият қозонганлигининг боиси нимада? Назаримда бир қанча ҳолатлар тўғрисида ва аввало авторнинг шахсан ўзи ҳақида гапириб ўтмоқ керак.

«Қўриқ» китобининг автори Леонид Ильич Брежнев— ленинчи партиямизнинг, давлатимизнинг атоқли арбобидир. Леонид Ильичнинг ўз китобларида лўнда, аммо яққол чизиб берилган ҳаёт йўли—содиқ ленинчи, доно раҳбар, ажойиб одамохун инсоннинг йўлидир.

Қани, қишлоқ, унинг ажойиб китоблари саҳифаларини хаёлан бир варақлаб чиқайлик. Ўш —жаҳон тарихидаги энг ашаққатли ва шафқатсиз уруш давом этарди. Бу урушда ҳар бир совет кишисининг ўзидаси ва мардлиги, унинг қатъий довюраклиги, ўз халқига содиқати синовдан ўтарди.

Бевосита жанг алангаси ўртасида бўлган, душман ўқ ёғдириб турган бир пайтда қўлига қурол олиб жонажон днёрини ҳимоя қилган кишиларнинг бундай фазилатлари эса икки карра ортиқ синовдан ўтарди.

Аммо урушнинг шундай участкалари бўлдики, бу жойларда жангу жадаллар алангаси бениҳоя кучли эди, алоҳида довюраклик, алоҳида матонат керак эди, ҳар куни жасорат кўрсатиш ва ҳар дақиқа қаҳрамонлик қилиш талаб этиларди. Кичик ер ана шундай участкаларнинг бири эди, ана шу участкада ботир коммунист Брежнев Ватанни кўкрак кериб ҳимоя қилди, совет жангчиларини жангга бошлади, Граждандар урушининг тилларда достон бўлган комиссарларига қиёс қилса бўладиган тарзда жангга бошлади.

Урушдан кейинги йилларда, буюк қайта тикланишнинг қаҳрамонона ишлари бошланган пайтда ҳам ўзига хос «долзарб ишлари» бўлди. Дастлабки беш йилликларда Турксиб, Сталинград трактор заводи, Магнитка қурилишлари машҳур эди. Аммо ДнепроГЭСни булар орасида энг машҳур деса бўлади. Бу нурхонани бутун мамлакат қандай қурганини кекса авлод кишилари эслайдилар. Бу қурилишни ёзувчилар ва шоирлар мадҳ этишган.

Ана шу ДнепроГЭС кулгепа бўлиб ётар эди. Унинг ёнидаги яна бир азим корхона— «Запорожсталь» вайрон бўлган эди. Уларни тезроқ қайтадан тиклаш ва коммунизм учун ишлашга мажбур этиш лозим эди. ДнепроГЭСни қайта тиклаш —беш йилликларнинг меҳнат қаҳрамонлиги байроғини баланд кўтариш, кишиларни зўр ғайрат билан қаҳрамонона меҳнат қилишга руҳлантириш демак эди.

Шунда партия меҳнат фронтининг ана шу муҳим участкасига ўртоқ Л. И. Брежневни бошлиқ қилиб қўйди. Запорожье ва Днепропетровск область партия комитетларининг биринчи секретари Л. И. Брежнев яна олдинда боради, яна ғалабани таъминлайди.

Навбат қўриқ ерларга келади. Мамлакатимиз кенг миқёсдаги хўжалик проблемаларини кўп марталаб ҳал этган бўлса ҳам, аммо буникаси ҳали бўлмаган эди. Партия олдида бошқа вазифалардан ўн минглаб аҳолини янги жойларга кўчиришни, янги-янги совхозлар ва шаҳарлар , посёлкалар ва трансспорт узелларини барпо этишни, янги инсонни тарбиялаш вояга етказишдан, мамлакатни дон билан, қўриқ дон билан мўл-кўл таъминлашни иборат буюк ижтимоий вазифа турар эди.

Совет кишилари донини айниқса азиз қилиб, ардоқлайдилар. У —энг муҳим маҳсулот, ҳамма бойликларнинг мезонидир. Халқимиз «Дон— рўзғорнинг бошқа» деб бежиз айтмаган. Биз халқ фаровонлигини аввало, айни дон билан белгилаймиз. «Қўриқ» китобининг бошланишини дон тўғрисидаги ажойиб достон деса бўлади: «Ғалланг бўлса қўшиқ ҳам ёзгандан тушмайди».

Партия ажойиб коммунист, мард жангчи, атоқли ташкилотчи, талантли давлат ва партия арбоби Леонид Ильич Брежневни яна коммунистик қурилишнинг энг муҳим участкасига юборади.

Леонид Ильичнинг мароқли китоблари одамларнинг онги ва дилидан шу қадар чуқур жой олишининг, уларни шу қадар тўлқинлантиришининг сири ҳам ана шунда. Бу китоблар мардликка, саботли бўлишга, принципиалликка ўргатади, ўз Ватанини қандай севишдан, қийинчиликларни бартараф этишдан сабоқ беради. Бу китоблар— совет кишиларини ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг жуда кучли қуролидир.

«Ёш гвардия», «Пўлат қандай тобланди», «Очилган қўриқ» ёки «Чин инсон ҳақида қисса» асарлари каби бу китоблар ҳам давримизнинг ҳақиқий қаҳрамони образини гавдалантиради, тақлид қилса арзийдиган ибратли кўрсатади, партия иши учун, халқ саодати учун курашда янги жасоратларга руҳлантиради.

Зотан, Л. И. Брежнев хотираларини бутун ғоявий-тарбиявий иш негизига қўйиш — пропагандистларимиз, агитаторларимизнинг, халқ маорифи, маданият, комсомол ташкилотлари ходимларининг, партия комитетларининг шон-шараф ишидир. Шу асарларни пропаганда қилишнинг батафсил системасини, тегишли лекция ва суҳбатлар тематикасини ишлаб чиқиш, уларни партия маорифи системасида ўрганиш зарур. Хуллас, бу соҳада идеология фронтининг барча ходимлари қиладиган иш кўп.

Л. И. Брежневнинг янги «Қўриқ» китоби ҳақида гапирганда қўриқ ерларни ўзлаштириш хўжалик қурилишининг шунчаки бир босқичи бўлмаганлигини назарда тутиш керак. «Қўриқда, — деб ёзади Леонид Ильич,— миллион-миллион совет кишилари революция тажрибасини амалга оширишни давом эттирдилар, янги тарихий шароитларда унинг муваффақиятларини бойитдилар, ривожланган социализм ғолибона қурилишининг жонли тажрибасини ижод қилдилар».

Революцион ҳаракатнинг, партиявий раҳбарликнинг ана шу тажрибаси, ана шу мактаби ҳаммамиз учун чиндан ҳам бебаҳодир. Бу ўринда мен яна бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Тажриба ҳар хил бўлади ва уни ўзлаштириш шароитлари ҳам ҳар хил бўлади. Ўз вақтида қилинган тажриба энг яхши, ўринли тажрибадир.

«Қўриқ» китобини партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, партия ва давлат раҳбарлигининг доно стратеги яратган. Бу китоб бизга энг керакли, энг зарур пайтда тортиқ қилинди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида Марказий Комитет 1965 йил март Пленуми ишлаб чиққан партиянинг ҳозирги аграр сиёсати яна конкретлаштириб берилди ва янада ижодий ривожлантирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги катта-катта вазифаларни муваффақиятли комплекс ҳал этиш тажрибаси ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Ана шу маънода олганда, «Қўриқ» китобининг қиммати ва актуаллиги алоҳида аҳамият касб этади.

Совет халқи олдида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ҳар томонлама узлуксиз ривожлантиришга эришиш, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлаб, уларни етиштиришни халқнинг турмуш даражасини янада анча оширш вазифасини ҳал этадиган тарзда кўпайтириш вазифаси турибди. Айни вақтда биз шаҳар билан қишлоқнинг моддий ва маданий-маиший турмуш шароитларини бир-бирига яқинлаштириш вазифасини ҳал этиш борасидаги куч-ғайратларимизни кўпайтиришимиз керак».

Ўртоқ Л. И. Брежнев июль Пленумида партия билан мамлакатнинг вазифасини ана шундай жуда равшан таърифлаб берди. Бу вазифаларни ҳал этиш калитини Леонид Ильич «Қўриқ» китобида тўла-тўкис кўрсатди.

Шу боисдан ҳам бу китоб энг зарур проблемаларимизни ҳал этишни таъминлайдиган гоят муҳим маънавий омилларнинг биридир.

Леонид Ильич Брежнев китобида халқ жасоратининг конкрет адреси бор, у ҳам бўлса Қозоғистондир. Аммо совет кишилари ва чет эллик қардошларимиз онгида қўриқ ерлар мамлакатимиз ҳаётидаги ялпи ҳодиса бўлиб гавдаланган. 50-йилларнинг ўрталарида Қозоғистоннинг асрий уйқудан уйғотилган даштларидагина эмас, Урал нарёғидаги, Олтой, Сибир, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёдаги даштларда ҳам кўп ишлар ҳал қилинди ва ҳозир ҳам ҳал қилинмоқда.

Леонид Ильич Брежнев қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлигининг 20 йиллигига бағишланиб Олмаотада ўтказилган тантанали мажлисда 1974 йил 15 мартда сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлаган эди: «Қўриқ — Қозоғистон ва Олтой даштларидангина иборат эмас. Сибирнинг тайгаси, Шимолнинг тундраси, Ўрта Осиё саҳролари ҳам қўриқ ерлар ҳисобланади».

Леонид Ильич Брежневнинг янги хотиралар китобидаги мароқли саҳифалар серқуёш ўлкамизда яшовчи ҳар бир кишининг дилидан жой олади, чунки Ўзбекистонда ҳали ўзлаштирилмаган ерлар жуда кўп, сармаъно «Целинник» деган русча сўз (чўлқувар сўзи)ни меҳнатсевар халқимиз эъзозлаб тилга олади.

Леонид Ильичнинг Ватанимиз тарихини меҳнат аҳли — ДнепроГЭС ва Магниткани барпо этган, Турксиб ва Қорақум каналини қурган кишилар, Ўзбекистондаги Мирзачўлни яшнаб турган воҳага айлантирган кишилар яратдилар ва яратмоқдалар, деган сўзларини ёдда тутиб, биз Қозоғистон қўриғи тўғрисидаги китобда Ўзбекистонимиз қўриғини ўзлаштириш тажрибасининг зарраларинигина эмас, доно партия раҳбарининг янги ерларни экинзорларга айлантириш соҳасида бундан буёнги ишимизга жуда катта ёрдам берганини ҳам кўрамиз.

Бугун, республикамиздаги қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг сиёсий ва хўжалик аҳамиятини «Қўриқ» китобига қиёс қилиб, тўла ҳуқуқ ва ҳақли равишда ифтихор билан айта оламизки, кўп иш қилинди, яхши иш қилинди, иборали қилиб айтганда Сифат белгисига арзигулик иш қилинди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг пахта етиштиришни кўпайтириш учун ўлкамизда уч юз минг гектар ерни ўзлаштириш тўғрисидаги 1956 йилги қарори Қозоғистондаги қўриқ ерлар муваффақиятли ўзлаштирилишининг ҳаётбахш таъсири остида қабул қилинганлигини яхши биламиз. Шу сабабли биз бугун Мирзачўлни мамлакат катта қўригининг укаси деб тўла ҳуқуқ билан айта оламиз. Қозоғистон қўригининг Мирзачўл мактабида қабул қилиниб ва ривожлантирилган хўжалик ва сиёсий сабоқлари эндиликда янги ерларни комплекс ўзлаштиришнинг Бутуниттифоқ университети бўлиб қолди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РАПОРТ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг чақиришига биноан социалистик мусобақа кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш 1978 йил январь — ноябрь ойлари планини муддатидан илгари 23 ноябрда бажардилар.

Кўмир ва нефть қазиб чиқариш, прокат, пахта пишиқлари, йигирув машиналари, пахта толаси, пахтани ва устки трикотаж. мол ёғи, сутга айлантириб соблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан январь — ноябрь ойларига белгиланган план ошириб бажарилди. (ЎзТАГ).

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

«БХР ЭЛЕКТРОНИКАСИ ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКАСИ» ВИСТАВКАСИДА

Тошкентда очилган «БХР электроникаси ва электротехникаси» виставкаси катта муваффақият қозонмоқда. Уни пойтахтнинг минглаб аҳолиси ва меҳмонлари кўрдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов 23 ноябрь куни виставкани бориб кўрдилар.

Ш. Р. Рашидов экспонатлар билан танишгач, айтики, виставкада кўрсатилган энг янги ускуналар, приборлар ва аппаратлар Болгария Халқ Республикасининг экономикаси Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлари билан қардошлик ҳамкорлик қилиши асосида эришган катта ютуқларнинг яққол далилидир. Жаҳоннинг кўпгина давлатларига юборилаётган шу буюмлар қардош мамлакат Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг комплекс программасида кўзда тутилган фан ва техника соҳасидаги социалистик интеграция содиқ эришган муваффақиятларини яққол кўрсатади.

Ш. Р. Рашидов виставканинг фахрий меҳмонлари дафтарига лавҳа ёзиб кетдирди. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Германия Демократик Республикасининг мутахассислари Тошкентда кир ювиш ва кийимларни химиявий тозалаш машиналари ҳамда қурилмалари бўйича ўтказган симпозиуми ўз ишини ниҳоясига етказди. Журналистлар учун бўлиб ўтган матбуот конференциясида Германия Демократик Республикаси «Унитехна» ташқи савдо бирлашмасининг экспорт бўйича директор ўринбосари Розмари Фишер ва кир ювиш ва кийимларни химиявий тозалаш машиналари ва ускуналарининг мутахассислари аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ана шу соҳаси қардош мамлакатда қандай ривожланаётганлиги ҳақида гапириб бердилар.

Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг мутахассислари ва ходимлари қардошларимизнинг қизиқарли докладларини тингладилар, айрим ускуналарнинг ишлаш жараёни билан танишдилар.

●

Польша Халқ Республикасининг пионер ташкилотлари ходимларининг бир группаси шаҳримиз меҳмони бўлди. Унга Польша пионерлари союзининг бошлиғи Еже Воцеховский раҳбарлик қилди.

Қардош мамлакатнинг вакиллари бадиий буюмлар фабрикасида бўлишди. Уларни ишлаб чиқариш илғорлари, комсомол ташкилотларининг вакиллари самимий қутиб олдилар. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар ва областнинг хўжаликларидан бирида бўлдилар ҳамда Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдилар.

Бугун

Тўқимачилар маданият саройининг турли бадиий коллективларидан ташкил топган махсус агитбригада пойтахт областидаги Чиноз районининг хўжаликларида бўлди. Ҳаваскор тўқимачилар шу кунларда пахта далаларида меҳнат қилаётган миришкорлар ва ҳашарчилар учун концерт қўйиб беришди. Маданият саройининг ана шу агитбригадаси Сирдарё областининг Мирзачўл районидаги 19-«а» совхозида ҳам маданий хизмат кўрсатиб пахтакорларни мамнун этган эди.

●

«Дўстлик» поезди» катта сафарга чиқди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Спутник» ёшлар сайёҳат бюроси ташаббуси билан ташкил этилган махсус туристик поезд қардош Чехословакия Социалистик Республикасига йўл олди. Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида тўпланган 360 ёш қардош мамлакатда 12 кун бўлади. Улар Прага, Брно, Братистава шаҳарларида ва Татранинг сўлим оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади. Сайёҳатчилар орасида Чилонзор, Киров районлари мактаблари, пионервожатийлари, Ленин, Островский номли пионер саройларининг педагоглари ва турли корхоналарнинг ишчилари бор. Вакилларимиз қардош мамлакатнинг ёш авлоди билан бўладиган учрашувлар учун Ўзбекистон ва Тошкент шаҳри ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина китоблар, журналлар, совға буюмларини ўзлари билан бирга олдилар.

Эртага

Тошкентдаги округ офицерлари уйининг мажлислар залида ҳарбий қисмларнинг жангчилари учун аталган маданият лекторийсининг навбатдаги йиғилиши бўлади. Унда Ўзбекистон архитекторлар союзи раисининг биринчи ўринбосари Анатолий Иванович Тошкент шаҳри бош планининг яратилиши ҳақида суҳбат ўтказади. Шу машғулот учун шаҳримизда амалга оширилаётган ва қисқа муддат ичида қўтарадиган янги бинолар ҳақида ринишини акс эттирувчи махсус слайдлар тайёрланди.

Лекторий машғулотларида ўқитувчилардаги санъат даргоҳлари ва халқ ижодкорлари экспонатлари, шаҳарнинг тарихий обидалари ҳақида бир неча марта суҳбатлар олиб борилган.

Ишчи—улуғ ном

УСТОЗ ТАБАССУМИ

«Октябрь революцияси» ордени билан мукофотланганини эшитиб, қутлагани келган ҳамкасбларига Қобил ака илиқ табассум ҳадя этар эди. Шу куни депода чинакам меҳнат байрами бўлди. Ҳамма хурсанд, кайфияти чоғ эди. Қобил ака бошлиқ слесарлар бригадаси смена тугашига қадар пландан ташқари 2063. 2076-трамвай вагонларининг тормоз системаларини пухта созлади. У жомокорини ечишга йўл олаётиб, ўзига кўрсатилган чексиз ҳурматдан мамнун бўлди.

Янада баракали ишлаб, аҳолининг трамвай хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ҳалол хизмат қилишни ўйлади.

Ҳа. Қобил ака ўзига шуҳрат келтирган слесарлик касбида 40 йилдан буён ишлаб келмоқда. У ишга келган йиллари «МТШ» типидаги қўшалоқ вагонли трамвайлар эмасмиди. уларнинг моторсиз вагонлари ҳам узоқ ремонт талаб қилар эди. Трамвай асосий транспорт воситаси ҳисобланганлиги учун тор рельсларни кенгайтиришга эътибор берилди. 1939 йилда Хадра билан Кўкча ўртасидаги масофада кенг рельслар қурила бошланди. Уста бу қурилиш ишида фаол қатнашиб, аҳолига транспорт хизматини яхшилашга муносиб ҳисса қўшди. Янги трамвай маршрути йўлга қўйилгач. йўловчилар ташиш ҳажми 1913 йилга нисбатан етти марта ортди.

Кейинги йилларда КТМ-1, КТМ-2 маркали трамвайлар ишлаб чиқарилди. Уларнинг дастлабкиси Қобил Назаров меҳнат қилаётган Хадрадаги 2-трамвай депосига ҳам келтирилди. Янги техника, янги тормоз системалари, чиройли салонлар, тахта ўрнида юмшоқ ўриндиқлар... «Қобил, ўйлаб топган конструкторларга баллилай»,— дея мамнун бўлиб дилидан ўтказди Қобил ака.

Йиллар ўтиши билан аҳолининг трамвай хизматига бўлган талаби ўсди. Шаҳримиз кўчаларида тўрт ўқли, комфортабелли, «РВЗ-6» маркали тез юрар трамвайлар пайдо бўлди. Янги трамвайнинг техника қисмларини мукаммал эгаллаб олишда коммунист Қобил Назаров яна бир синовдан муваффақиятли ўтди, коллектив ишончини оқлади. Универсал «доктор»нинг тормоз колодкаларини алмаштиришда ёки қудратли қисм-моторини очиб «касал»ини топишда тенги йўқ.

— Қобил ака ўз касбининг устаси,— дейди биз билан суҳбатда 2-трамвай депосининг эксплуатация бўлими бошлиғи Т. Мирбобоев.— У бошлиқ слесарлар трамвай компрессори, редуктор, кардан вали, дугаси, эшиклари, қўйингчи, мавжуд қисмларининг ҳаммасини кўрсатилган муддатида, яхши созлайдилар.

Партия XXV съезди белгилаб берган ўнинчи беш йиллик режаларини амалга оширишда билимдон ва тажрибали мастер Қ. Назаров ўз шогирдлари Содиқ Эргашев, Рустам Тўлаганов, Шукрулло Осимов, Юрий Журавлевлар билан бирга шаҳар трамвай-троллей б у с бошқармаси коллектини ўртасидаги социалистик мусобақада фаолликни қилмоқда. Бу азаматлар ҳамжиҳат меҳнат қилиб, ҳар куни йўловчилар хизматига чиқадиган 85—90 та трамвай вагонининг 25 тасини техника жиҳатдан мустаҳкамлайдилар.

Қобил ака бир касбда 40 йил меҳнат қилди, устоз сифатида ҳурмат қозонди. Унинг билагида куч, белида қувват, юрагида ғайрат ва шижоат эндигина тўлиб-тошгандай. Шунинг учун ҳам устоз қайноқ қалби билан ҳамшаҳарларига трамвай хизматини яхшилаш мақсадида ҳар тонг депога янги ғайрат билан дадил қадам ташлаб кириб келади.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,

кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.



Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда. Сиз суратда бирлашманинг 2-цех тикувчиси, комсомол аъзоси Галина Николаевна Клименкони кўриб турибсиз. Бу илғор ишчи кунлик нормасини 200 процентга етказиб ado этмоқда.

И. Шоиногомов фотоси.

ТО справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ҚОДИРОВ: Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мисли сиз жасорати аслo унутилмайди. Шунинг дек улар фронт орқасида ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Мен ана шу ўринда Улуғ Ватан уруши йилларида фидокорлик кўрсатган кишилардан қанчаси ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганликлари тўғрисидаги маълумотни билишни истар эдим. Илтимосимни бажо келтирсангиз.

Жавоб: Совет кишиларининг жанговар мардонларида кўрсатган мисли сиз қаҳрамонлиги ва уларнинг фронт орқасидаги меҳнатдаги жасорати Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Фронтда 5 миллион 300 минг киши орденлар билан тақдирланди, шулардан 11 минг 603 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Шулар орасида 104 киши икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвонга, 2 киши уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 7 миллион 580 минг киши эса СССР медаллари билан мукофотланди. Фронт орқасида меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатганлардан 20 минг 93 киши СССР орденлари ва медаллари билан мукофотланди. Шулардан 197 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

...РОВ: Хурматли редакция! Менга қизиқтирадиган бир нарсани радиодан эшитдиланувчи абонентлар қандай қонунларга риоя қилишлари керак. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳар радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланувчи абонентлар хонадаги радио симлари ҳамда бошқа ашёларни бутун ва бенуқсон сақлашлари; радио эшиттиришдан фойдаланганлиги учун абонемент ҳақини ҳеч қандай огоҳлантиришни кутиб ўтирмасдан ўз вақтида тўлашлари; радиоточка абоненти қурилмаларини кўриш ва тузатиш мақсадида келган радиоэшиттириш тармоқларининг техник ходимлари ўз фотосуратлари ёпиштирилган ва муҳр босилган шахсий гувоҳномаларини кўрсатган тақдирдагина уларга бу ишга рухсат беришлари, бундай ҳолларда шаҳар радиоэшиттириш тармоғи ходимидан абонемент шахсий гувоҳномадан ташқари шаҳар радиоэшиттириш тармоғи томонидан берилган нарядни талаб қилишлари керак.

М. РАСУЛЕВА: Уйимиздаги мебелларни ремонтдан чиқармоқчи эдик. Айтингчи, бу масалада қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Жавоб: Шаҳримизда мебеллар ремонти билан шуғулланадиган комбинат бор. Бу комбинат аҳоли буюртмаси асосида иш юритади. Ўзингизга керакли барча маълумотларни 48-35-26 рақамли телефонга қўнғирок қилиб билиб олишингиз мумкин.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент шаҳар санитария эпидемиология станциясининг эпидемиологи Антонина Аксентьевна Овчинникова жуда шошиб турган эди. У уйдан чиқиши билан Сергели кўчасининг нариги томонидаги бекатда тўхтаган автобусга кўзи тушиб қолди. У кўчадаги шароитни ҳисобга олмаган ҳолда бу томондаги бекатда тўхтаб турган троллейбус орқасидан кўчани кесиб ўта бошлади. Натижада уни Р. Исаев бошқариб келаётган 65—91 ТШМ рақамли «КАВЗ—685» автобуси уриб кетди. А. Овчинникова чап оёғининг болдир суяги ва бешта қобирғаси синган ҳолда 13-шаҳар клиник касалхонасига ётқизилди.

• Коммунист ўйлари

ИЗЛАНИШ РУҲИДА

Корхонамиз ҳисобот-сайлов партия конференцияси бутун коллектив, барча коммунистлар олдига янги муҳим вазифалар қўйди. Цех партия ташкилотларининг навбатдаги жанговар ҳаракат программасини белгилаб берди.

Бизнинг 8-цехимиз коммунистлари ҳам бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олдилар, Маҳсулот сифатини, барча техника-иқтисодий кўрсатгичларни яхшилаш учун курашда коммунистлар ҳар қачонгидек активлик кўрсатишяпти.

Масалан, А. Давидов, Б. Куйлиев сингари темирчилар, В. Липкин ва бошқа моҳир ишчилар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли ado этдилар. Корхонамиз бўйича ўнинчи беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш ҳажми анча ошганлиги, бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришганлиги коллективнинг, энг аввало, коммунистларнинг ижодий изланишлари, ташаббускорлиги натижасидир.

Саккиз йилдан буён туғдош корхоналар ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фахрли ўринни ишғол қилиб келаётган коллективимиз барча цех ва участкаларининг бир маромда ишлашига эришиш учун курашяпти.

Кейинги вақтларда цехимиз совриндор ўринларни бой бера бошлади. Бу эса цех партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистларнинг кескин муҳокамасига сабаб бўлди. Бунинг сабаблари аниқланди. Айрим участкаларда дағдағалар эскирган, ишлаб чиқариш маданияти пасайган эди. Бу ва бошқа нуқсонларга аста-секин барҳам берила б о ш л а н д и. Мусобақа қатъий йўлга қўйилди. Коммунистлар йиғилишда айтилган танқидий мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб олишганини амалда кўрсатмоқдалар. Бунинг учун ҳаммамиз аҳил бўлиб, янгидан-янги резервларни ишга солмоқдамиз.

Р. ВАЛИЕВ,

В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш-бирлашмаси 8-цехининг коммунистик меҳнат зарбдори.

✦ РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ

Ўтган йилнинг ҳудди шу даврида Сариқуль маҳалла аҳлининг қувончи жуда кўп эди. Чунки зиқиб кутилган дам-ёқ етиб келиб, аҳолини табиий газ билан таъминлашга киришган эди.

...ашгаз»нинг монтаж бошқармаси бу ...ладаги кўпчилик ...ининг эҳтиёжларини инобатга олиб ...аллани табиий газ ...н таъминлашга ...ишди. Юқорида ...ланишдек хеч ...анча вақт ўтмай 20 — 30 оиланинг кўча эшигидан газ трубаси ўтказилди. Лекин Новий путь кўчасининг 140-уйига келгач иш тўхтатилиб, қурувчилар ғойиб бўлишди. Мана орадан бир йил ўтди. 18 йилдан бери табиий газ тушириш орзусида юрганларнинг тарвузлари яна қўлтиқларидан тушиб қолди. Бу ҳол қачонгача давом этади? Нега бошланган иш охирига етказилмайди.

Х. Абдураззоқов, Ж. Мирзаев, Т. Усмонов, Р. Авазов, Р. Исматуллаев ва бошқалар.

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА

Киров районидаги из истиқомат қилаётган Приморская кўси кўп йиллардан ён ёзда чанг, қишлой бўлиб ётади. ...и асфальтлаш асидан район ободонлаштириш бошқармасига қилган мурожатларимиз натисиз қоляпти. Бу...г устига кўча туйинм-инм бўлади. ...электр чироғи ...ан ёритишга хеч эътибор бермаяп-Бу ҳам етмаган-ахлат ташувчи ...иналар умуман бу бўйлаб юрмайди. ...ларда каналиқ сувлари тўпланади. Негаки, кўчада бу сувларни оқизиб кетувчи бирорта канализация тармоғи йўқ. Бунинг устига кўчамиз турли хил машиналар билан тўлиб ётади. Кўча доимо берклигидан ахлат ташувчи машиналар, баъзан эса тез ёрдам машиналари ўтолмайди.

Хўш, бу аҳвол қачонгача давом этади? Киров район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари Приморская кўчасига қачон эътибор беришади?

М. ҲАСАНОВА,

Қаҳрамон она.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

ҳатлар

• Техника тараққиёти йўлида

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрлигининг тажриба механика заводида рационализаторлик ва ихтиричлик ҳаракатига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ерда шу йилнинг ўтган даври мобайнида 20 таклиф жорий қилинди. Бу билан социалистик мажбуриятнинг муҳим бандларидан бири муваффақиятли уддаланди.

Конструктор В. Лехиннинг таклифига кўра диферент гипсли плиталар ишлаб чиқариш жараёни механизациялаштирилди. Натижада бу маҳсулотни тайёрлаш узлуксизлик касб этди. Бу меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга сарф қилинадиган ишчи вақтини камайтириш имконини берди. Таклифдан йилига 5 минг 200 сўмлик иқтисодий самара олинмоқда.

Конструктор Р. Асқаров янги тахланган вагонеткаларни ҳаракатга келтирувчи механизмни такомиллаштирди. Рационализатор томонидан киритилган ўзгариш иш сифатини яхшилаш билан бирга унумдорликни оширди. Бу таклиф корхонага 2 минг 800 сўмлик иқтисодий самара берди.

Х. НУРМАТОВА.



ЧИННИ ЖИЛОСИ

Тошкент чиннисининг бугунги кунда оламга таралган. Шунинг учун бўлса керак, унинг бутюртмачилари сони тобора ортиб боряпти. Чиндан ҳам, пахта гули туширилган жарангдор пиёла, коса ва лаганлар кимни ҳам мафтун этмайди дейсиз. Улар ҳар бир хонадоннинг кўрки, севимли мулки. Уйимиз тўридаги буфетга чиройли қилиб териб қўйилган бу нозиқ чинни асбоблари бенхтиёр киши диққатини ўзига тортади. Унинг ижодкорига тахсинлар айтингиз келади.

Тошкентимиз чиннисозлари ўз харидорларини янада хушнуд этиш учун кўлни-кўлга бериб самарали меҳнат қилишяпти. Завод коллективи томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг кўпчилиги аллақачонлар Сифат белгисини олган.

Шу кунларда корхона ишчилари орасида бўлсангиз, бу ерда бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган меҳнат илғорлари-ю, келгуси йил ҳисобига ишлаётган зарбдорларни кўплаб учратасиз.

Чиннимизнинг маълум ва машҳур бўлишида корхона рассомларининг ҳам муносиб улушлари бор. Уларнинг нозик диди, қалб кўри билан сайқал топган чинни маҳсулотлари гўзал ва бежиримлиги билан шуҳрат қозонмоқда.

Штатсиз фотомухбирларимиз И. Шоиногомов ва Х. Мирзакаримовларнинг диққатингизга ҳавола этилаётган мана бу фотолавҳаларида корхона меҳнат аҳли ҳаётидан баъзи бир лавҳалар тасвирланган.

Юқоридаги суратда заводнинг қўли гул рассомларидан Улфат Хасанова, Муқаддас Жўраева, Шоҳида Абдурасуловаларни кўриб турибсиз. Улар жило берган чинниларни доимо аъло сифатга тошпирилади.

Пастдаги суратда эса корхонанинг пешқадам ишчиларидан Эркин Олимжонов, Анатолий Садилов ва Зиёвутдин Рихсиевлар иш устида тасвирланган. Улар кунлик план-топшириқларини доимо ортиғи билан ado этишади.



• Турли касб эгалари

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПИБ...

Файзулла заводга ишга келганида 14 ёшда эди. Шунга ҳам мана 33 йил бўлибди. Тошкент Советининг 50 йиллиги номли вагон ремонти заводи коллективи фрезерчи Файзулла Алимовнинг номини ҳурмат билан тилга олишади ва уни ўзларининг устозлари деб билишади.

Устоз ўзининг кўп йиллик меҳнат даврида обрў орттирди. Қанчадан-қанча трамвай ва троллейбусларни капитал ремонтдан сифатли чиқишида ғамхўрлик кўрсатиб, шогирдлар етиштирди. Унинг зиммага олган топшириқларини кўнгилдагидек ва ортиғи билан ado этиши туфайли механика цехи корхонада ҳар доим пешқадамлар сафида боради.

Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари кавалери бошчилик қилаётган цех азаматлари 11 ойлик планни ҳам муддатидан илгари бажаришди. Моҳир фрезерчи Ф. Алимов эса ҳозир келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Заводда ўз касбининг усталари жуда кўплаб топилади. Ўн бир йилдан бери дурадгор бўлиб ишлаётган коммунист Виктор Ефимов, беш йилликни уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган Иброҳим Узоқов, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Николай Немашкалов каби пешқадамлар кунлик топшириқларини 150 процент қилиб ado этишмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йилида, —дейди завод партия ташкилотининг секретари Ж. Мирзаев,— пландан ташқари тўртта трамвай ва тўртта троллейбусни капитал ремонтдан чиқаришни зиммамизга олган эдик. Ҳозир бу топшириқ бажариб бўлинди. Корхонамиз азаматлари пландан ташқари 150 минг сўмлик иш бажаришди. Бунда ана шундай меҳнатдан бахт топиб, планларини ҳамиша ортиғи билан ado этаётган пешқадамларимиз намуна кўрсатишмоқда.

И. РУСТАМОВ,

хизмат.

★ МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИДА

ОНАЛАР ХИЗМАТИДА

Партия ва ҳукуматимиз ёш оналар ва чақалоқларнинг сиҳат-саломатлиги йўлида катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Туғруқхоналарда ёш авлоднинг соғлом дунёга келиши, уларни ҳар томонлама камолоти йўлида замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланган медицина ходимлари куну-тун тер тўкишаётир. Буни Чилонзор районидаги 9-туғруқхона фаолиятидан ҳам билса бўлади.

Туғруқхона бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган. Ўтган вақтлар ичида бир неча мингдан зиёд чақалоқ дунёга келди. Бу ерда ёш оналар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Масалан гинекология бўлимида 30 га яқин ўз касбини яхши билган мутахассис меҳнат қилишади. Катта ординатор Галина Коваленко, медицина ҳамшираларидан Нина Погребец, Тожиниса Ергишева сингари ходимлар ўз меҳнатсеварликлари ва хушмуомаласи билан беморларнинг ҳурматига сазовор бўлишаётир.

Гинекология бўлими «Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув тажриба базаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Медицина фанлари кандидати доцент А. Л. Солнышко, тажрибали врач Ш. Солихова каби шифокорлар аёлларни гормонал текшириш ва даволаш бўйича катта малакага эга. Шу сабабли ҳам бу ерга тез-тез Иттифоқимизнинг турли республикаларидан медицина ходимлари келишиб, тажриба ўрганиб кетишади.

Туғруқхонада ҳомиладор аёллар саломатлигини доим текшириб бориш, профилактика ишларини янада яхшилаш мақсадида врачларимиз тез-тез маҳаллаларда ва турар жой кварталларида бўлишиб, бўлажак оналар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказиб туришибди. Бу эса чақалоқларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва оналарнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ж. МИРСОАТОВА,

9-туғруқхона гинекология бўлимининг мудири.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЯНГИ ХИЁБОН

Шаҳримизда кузги кўчат ўтқазиш ойлиги давом этаётган шу кунларда Чилонзор район ободонлаштириш бошқармасининг коллективи пойтахт Отчопари яқинида ёпо этилаётган янги хиёбонга кўплаб миқдорда манзарали кўчатлар ўтқазишмоқда. Бу ерда кўчат ва яшил тўсиқлар ўтқазиш билан бирга, аҳоли ҳордиқ чиқариши учун зарур бўлган барча қулайликларни барпо этишдан ташқари текислаш, хиёбонга оригинал қиёфа б ш этишга ҳам алоҳида аҳамият берилянти.

Районнинг бошқа ҳудудлари ва боғларига ҳам дов-дарахтлар ўтказиш ишлари жадаллик билан олиб борилянт.

Х. НОСИРБЕКОВА,

ишчи.

...МАКТАЙДИ...

ДИПЛОМ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида халқаро муносабатлар халқ университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Халқ Университети тингловчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти ходими, тарих фанлари кандидати А. Ҳўжаевнинг халқаро мавзудаги лекциясини тингладилар.

Тарих фанлари доктори Б. Аҳмедов раҳбарлик қилаётган ана шу халқ университети бирлашмада ўтган йили ташкил этилган бўлиб, машғулотларни шарқшунослик институтининг олимлари олиб боришяпти. Жумладан, Э. Ширинбоев, Г. Пономарев ва Ю. Абдуллаевларнинг лекциялари ғоят мазмунли ўтмоқда.

Тингловчиларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида ишловчи агитатор, лектор, пропагандистлар бўлиб, машғулотларда олган билимларидан ўз суҳбатларида фойдаланишади. Иприк кабель цехи, карта мастери Н. Павлий, инженер В. Сидоров, электр цехи бошлиғи В. Мельников ана шулар жумласидандир.

Самарали иш олиб бораётгани учун бирлашма қошидаги халқаро муносабатлар халқ университети Ўзбекистон ССР халқ университетлари Советининг учинчи даражали дипломи билан тақдирланган.

Н. СКРИПЛЕВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

КИРСАНГИЗ ЧИҚОЛМАЙСИЗ

Октябрь районидаги Равшан кўчасида истиқомат қилувчилар мана икки йилдирки қиш келди дегунча юрак ҳовучлаб қолишади. Чунки ёғингарчилик ва қор ёққан кунлари бу кўчага кириб-чиқиш амри-маҳол. Кўчада йўловчилар учун ҳеч қандай йўлка йўқ. Қарнилар, ёш болалар бу ердан юришганда жуда қийналишади. Биз бу ҳақда Октябрь район ободонлаштириш бошқармасига ариза ёзиб уларни хабардор қилдик. Лекин ҳеч қандай ёрдам бўлмаётир. Аҳоли қишнинг қировли кунларида кўчага кириб-чиқиш учун қачонгача қийналади?

М. РАҲИМОВ, Х. БАИЗАКОВ, Р. СУЛТОНОВА, М. ФАТҲУЛЛАЕВА ва бошқалар.

ФАЙЗИ КЕТДИ

Қайси куни Адҳам ака ўғилчасига мактаниб қолди.

— Биз ҳам пионер бўлганмиз. Биз ҳам тўгаракларда қатнашганмиз. Биз ҳам пионерлар саройида шеърлар ўқиганмиз.

— Қайси саройда? — деб қолди ўғли.

— Республика пионерлар саройида! Хоҳласанг обориб кўрсатаман.

Якшанба куни у ўғлини етаклаб бир вақтлар ўзининг хушнуд дамлари кечган Ленин номидаги пионер ва ўқувчилар республика саройига олиб кетди. Аммо олиб келганига минг пушаймон еди. Сарой ҳовлиси ахлатхонага айланиб ётарди. Ҳаммаёқ хазон, ҳайкаллар синиб, ағдарилиб ётибди. Ленин проспекти томонни эса бировнинг кўзи тушмасин дебми, паннолар билан тўсиб қўйишибди.

«Қанчадан-қанча пионерларни тарбиялаган бу саройнинг қутлуғ номини бунчалик оёқ ости қилмаслик керак. Пионер саройи раҳбарлари уни тартибга келтиришмаса бўлмайди» деб ёзибди А. Мўминов. Бу фикрга қўшилиш керак.

ХУШЕРБЕК.

Ўқуласиз, кўрасиз

ҚОНИНГ ЎҚУҒИ

ёда энг кам нарса деса, ҳеч иккасдан «аиқоруғи» деб жавосиз. Қизиғи ки, кейинги аиқонинг уруғи йиб кетяпти. лен сизга санаб Сиз бармоғингизни тишиб ҳисоблаб

ОШКЕНТ КШОМИ

БРЬ, 1978 й.

туринг. Сурп аиқонинг уруғими? Аиқонинг уруғи! Болалар иолготкаси аиқонинг уруғими? Аиқонинг уруғи! Болаларнинг спорт формаси аиқонинг уруғими? Аиқонинг уруғи! Болаларнинг оёқ кийими, хусусан этикчалар аиқонинг уруғими? Аиқонинг уруғи!

Бир онлада бўлган бир оқшом ҳангомасини айтиб берсам ҳам қуласиз, ҳам куясиз.

Кечқурун Алижон ака ишдан келиши билан 5-синфда ўқийдиган ўғли тантанали равишда эълон қилди:

— Эртадан бошлаб мактабга бормайман.

— Нега?

— Эртага физкультура бор. Ўқитувчимиз айтган. Форманг бўлмаса, дарсга киритмайман деган. Кўчада юраманми?

Учинчи синфда ўқийдиган қизи худди акаси билан келишиб олгандай гапни илиб кетди.

— Мен ҳам бормайман.

— Нега?

— Оқ кофтам йўқ. Ҳаммасидан ҳам боғчага қатнайдиган зумрашанинг даъвоси ошиб тушди.

— Мен ҳам боғчага бормайман. Колготкам йўқ.

...Эртасига Алижон ака ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб магазинма-магазин югурди.

— Оқ сурп кофта борми?

— Сиз-ку пиёда келибсиз, ҳозир самолётда келганга ҳам сурп йўқ. Ойнинг охирида хабар олинг.

— Совуқ тушиб ўғилчам этиксиз қолди. Ботинка кияй деса тагидан сув ўтиб кетяпти.

— Ойнинг охирида келинг, бўлиб қолар...

Алижон аканинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нима бало, ҳамма магазинчиларнинг пароли шуми? Ойнинг бошида келса охирида келинг дейсан, охирида келса бошида келинг дейсан? Ундан кўра чайқовчидан ол деб қўя қол.

Сотувчи беписандлик билан қўл силтади.

— Ойнинг охирида хабар олинг.

Алижон аканинг уйида ,бўлаётган машмашалар бошқа оналарда ҳам бўлиб турибди. Газетхон Ханифа Фозилова ҳасратидан чанг чиқиб шундай деб ёзибди: «Мана, бир неча ойдирки «Детский мир»дан ҳам, бошқа магазинлардан ҳам на болалар этикчаси, на спорт формаси, на колготка, ақалли сурп топололмай овораман. Бунақа аҳвол қачонгача давом этади?».

«Ташпромторг», «Таштекстильторг», «Ташобувьторг» раҳбарлари (агар гап таъсир қилса) бу масалани аллақачон ҳал қилишлари керак эди. Ахир уларнинг ўз боласи этикчасиз, колготкасиз, спорт формасисиз юрмаса керак?

„ҚЎРИҚ“ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

Республика меҳнаткашлари Мирзачўлда, Қарши, Жиззах даштларида, Сурхон — Шеробод водийсида, Марказий Фарғонада ва Амударё этакларида ер ўзлаштириш суръатларини кучайтириб, тўққизинчи беш йилликнинг бир ўзида 510 минг гектардан кўпроқ янги ерни хўжалик оборотига киритдилар, қарийб 800 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиладилар, илгаритдан фойдаланиб келган ярим миллион гектарга яқин ерни яхшилаб текисладилар. Бир миллион гектардан ортиқ экинзорнинг сув таъминоти яхшиланди.

Мирзачўлда ўзлаштирилган 300 минг гектар ер бу ерда йирик ва юксак самарали пахтачилик районини барпо этиш имконини берди. Аммо Мирзачўл бой пахтакор ўлкагина эмас, катта ғалла кони ҳамдир, у ерда замонавий фермалар ва чорвачилик комплекслари ишлаб турибди. Мирзачўлга ҳаёт бахш этилгандан бери ўтган давр ичида уни ўзлаштириш учун қилинган ҳамма чиқимларнинг ўрни неча ҳисса ортиғи билан қопланиб кетди.

КПСС XXV съезди республика олдига ўнинчи беш йиллик мобайнида ярим миллионга яқин янги ерни суғориш, бир ярим миллион гектар яйловга сув чиқариш, 500 минг гектар ерда мелиорация тадбирларини ўтказишдан иборат тағин ҳам улуғвор вазифани қўйди. Бунинг учун Мирзачўлни ва Сурхон-Шеробод водийсини ўзлаштириш ишларини ниҳоясига етказиш. Қарши даштида 100 минг гектардан кўпроқ ва Жиззах даштида 30 минг гектардан зиёд ерга сув чиқариш лозим. Қорақалпоғистонда 50 минг гектар ер ўзлаштирилиши керак. Бу ерлар шоликорлик зонасини кенгайтиради ва республика етиштирадиган донни анча кўпайтиради.

Бу ишларнинг республикамиз учунгина эмас, бутун мамлакатимиз учун ҳам хўжалик аҳамияти жуда катта. Уларнинг сиёсий моҳияти ҳам мутлақо равшан. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, халқларимиз дўстлигининг енгилмас кучи бутун дунёга намойиш қилинди. …шлоқнинг турмуш даража… шаҳарнинг турмуш дара… …си билан яқинлашмоқда, …вақтлар ҳувуллаб ётган …онларда замонавий посёл… ва шаҳарлар қад кўтар… …да, она-ер каби халқ ҳам …яшнамоқда, қиш… аҳолисининг турмуш ма… …ияти ошмоқда. «Қўриқ»… …обидаги: «Таъбир жоиз …а айтиш мумкинки, биз… …ган инсон бахт-саодатини …лаштириш тўғрисида бо… …эди» деган оталарча …ар худди бизнинг диёри… тўғрисида. Ўзбекистон… қўриқ ерлари ҳақида … …риқ ерларни ўзлашти… — давлат аҳамиятига …жуда катта иш бўлиб …ва шундай бўлиб қо… Буни биз ўз тажриба… …н биламиз. Башарти …ўриқ ерларни планли …да зўр матонат билан …тирмаганимизда Ўзбе… …й ҳар йили 5 миллион …ан ошириб пахта бера …иди. ахир. Бу нарса … ҳар бир кишига рав… Бу йил Ўзбекистонда …инг деярли учдан бир …ни республиканинг қў… …айонлари бермоқда. …нобарин, биз ҳозир, шу … кунларда, пахта учун …қатъи чинакам қаҳра… …а жанг олиб борилаёт… …мғирда ҳам, қорда ҳам …терилаётган бир пайт… …з дастлабки чўлкувар… … — Леонид Ильич Брежнев сидқидилдан севиб қаҳрамон бўлиб туғилган кишилар, деб аталган одамларни доимо мақтаб эсга оламиз. Бу эса бизнинг катта пахта хирмони учун олиб бораётган курашимизда кучимизга куч бахш этади. Ўзбекистон пахта тайёрлаш давлат планини бажариб, меҳнатдаги ўзининг катта ғалабаси тўғрисида партияга рапорт берадиган кун яқинлашиб келмоқда. Бу ғалабанинг номи — **Жасорат** деб аталади. Аммо, боя айтганимдек, олдимизда ҳали мураккаб ва катта-катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этишда Леонид Ильичнинг «Қўриқ» китоби бизга машъал, йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

«Қўриқ», «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларининг сўнмас қоидаларини давом эттиради, улар билан қўшилиб трилогияни ҳосил қилади. Бу бениҳоя инсоний ва самимий трилогия ҳаётимизнинг қаҳрамонона ўтмишини тасвирлаш билангина эмас, ана шу ҳаётдан сабоқ бериши, коммунизм бинокорларининг тобора янги-янги авлодларига сабоқ бера билиши билан ҳам айниқса азиздир. Леонид Ильич китобини қайта-қайта ўқиб, биз партия иши учун курашдаги донолик ва собитқадамликни ўрганамиз, барча совет кишиларининг революцион давримиз буюк зафарларига дахлдорлигини зўр куч билан ҳис этамиз, совет жамияти барча авлодларининг жонли алоқасини ва ғоявий давомийлигини пайқаб оламиз.

«Қўриқ» саҳифаларида Ленин партиясининг мамлакатни обод қилиш соҳасидаги кўлами ва дадиллиги жиҳатидан улуғвор, мислсиз режаларини чуқур, пухта, илмий асосда ишлаб чиқиш тажрибаси ва маҳорати намоён бўлади. Айни вақтда биз ҳар бир кунги амалий ҳаракатлар нақадар синчиклаб, икир-чикирларигача ўйлаб қўйилишини, вазифалар тўла ғалабага эришилгунча бирин-кетин изчиллик билан ҳал этилишини равшан кўрамиз. Ўз ишини бундай планлаштириш тажрибаси ҳар бир партия ташкилоти учун улуғвор аҳамиятга эгадир.

Китобда партия ишининг услуби, шакли ва методлари кенг кўламда, яққол ва тушунарли кўрсатилган, шу туфайли муваффақият таъминланганлиги тасдиқланган. Бу услуб, шакл ва методлар коммунизм учун курашнинг олдинги маррасидаги жўшқин меҳнат кунлари жараёнида вужудга келиб, замон синовидан ўтди. Шу боисдан ҳам «Қўриқ» китоби бизга доно тажрибанинг ҳаётбахш чашмаси бўлиб хизмат қилмоқда ва хизмат қилаверади, шу тажрибани ўзлаштириб олган ҳар бир ходим маънавий жиҳатдан бадавлат бўлиб қолади, ҳар томонлама камолотга эришади, ғоят самарали меҳнат қила бошлайди.

Китобда кадрлар билан ишлашда одамларга астойдил ишониб ва уларнинг қобилиятларини, психологиясини, характери ва кайфиятини билиб олиш зарурлиги батафсил кўрсатилган, улар ўзларининг замон олдидаги бурчларини партиявий руҳда англашлари, ишга ижодий ёндашишлари, бутун куч-ғайратлари ва билимларини Ватан, партия, халқ ишига бахш этишга тайёр эканликлари очиб берилган. Шу билан бирга уларнинг иккиланишлари, ташвишлари, ҳаяжонлари — инсон характерининг бутун мураккаблиги ҳам эътибордан четда қолмаган.

Леонид Ильичнинг «Қўриқ» китоби—кадрлар билан партиявий иш олиб боришнинг чинакам қомусидир. Бу китоб одамларни, иродали командирларни ишчанлик ва сиёсий фазилатларига қараб қандай танлашни ўргатади, ишлай олишини, ишга жонкуярлик қилишини амалда исботлаган кишиларни авайлаб асрашни ўргатади. Техинхўрлик кайфиятига берилган, ўз ишларини бошқалар ҳисобига тўғрилаб олишга уринган, қуруқ ваъдалар берган, усти ялтироқ ташаббуслар билан майдонга чиққан кишиларга нисбатан муросасиз қаттиққўллик қилинганлигини авторнинг ўзи баён этган.

Кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг бу тажрибаси партиямиз тажрибасининг бебаҳо хазинасидир.

Леонид Ильич ўша вақтда қидиришга тўғри келган ташкилий-партиявий иш методлари тўғрисида гапириб, бундай дейди: «Партиянинг қўриқ ерлардаги бутун фаолияти ўз натижаларига кўра жуда катта новаторликдан иборат бўлган буюк намуна эди». Коммунистларга таяниш, уларнинг бошқаларга пешқадамлик қилишига эришиш энг муҳим иш эди. Партия ташкилотлари кишини тарбиялаш вазифаларини ўз фаолияти марказига қўйган эдилар, қаҳрамонларча чўлқуварлик характерини сабот билан чиниқтирдилар.

Ўртоқлар, Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби бундан илгари эълон қилинган «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари каби — партия ташкилотларининг кишиларни тарбиялаш, уларни партия режаларини бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги иш тажрибасининг энг бой хазинаси деб тўла ҳуқуқ билан айтса бўлади. Бу — партия ва давлат иши чинакам ленинча услубининг ажойиб мактабидир. Бу, аввало, сўз билан ишнинг, назария билан практиканинг бирлигидир, ижтимоий ҳодисаларга илмий, синфий-партиявий ёндашиш, революцион кўламни ишчанлик, амалиётчилик билан уйғун равишда бирга қўшиш, омма билан мустаҳкам алоқа боғлаш ва унга таяниш, коллектив раҳбарлик, шахсий ташаббускорлик ва янгиликни сезиш демакдир. Леонид Ильич Брежневнинг аввалги эсдалик китоблари каби бу китоби ҳам бизга ана шундай таълим беради, замонамизнинг атоқли партия раҳбари ва давлат арбобига хос энг яхши фазилатлар тимсоли бўлмиш авторнинг шахсий тажрибаси шундай таълим беради.

Шу боисдан ҳам барча яхши ниятли кишилар ўзларининг бахтиёр келажак тўғрисидаги энг эзгу орзу-умидларини, бутун дунёда тинчликка бўлган тилакларини бизнинг партиямиз ва мамлакатимиз билан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг номи билан боғламоқдалар. Ўз халқининг биринчи сафларида туриб манфур фашизмга қарши жангда, ўз Ватанини култепалардан қайта тиклаш учун бўлган жангда, одамларнинг бахт-саодатини, деб табиат билан бўлган жангда ғолиб чиққан инсон ер юзида тинчлик учун, бутун халқнинг бахт-саодати учун ҳам ана шундай эҳтирос билан ва ғолибона жанг қилмай тура олмайди.

Қандай яшаш ва курашишни, қандай раҳбарлик қилиш ва ғалаба қозонишни, ер юзида коммунизмнинг порлоқ идеаллари тантанаси барқарор бўлиши учун оммага бошчилик қилишни партиямиздан, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан, қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневдан ўрганайлик! — деди пировардида Ш. Р. Рашидов.

Республика идеология ходимлари активи йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев эсдаликларининг, шу жумладан унинг учинчи китоби — «Қўриқ» эсдаликларининг жуда катта тарихий ва тарбиявий аҳамиятини, «Қўриқ» китобининг босиб чиқарилиши мамлакат сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида жуда катта воқеа бўлганлигини якдиллик билан таъкидлаб ўтдилар. Барча совет кишиларининг фикр-зикри ва қалбларига кириб борадиган бу китоб кишиларга сафарбар этувчи куч-ғайрат бағишлайди, уларни янги меҳнат зафарларига даъват этади.

— Ўртоқ Леонид Ильичнинг бундан аввалги икки китоби — «Кичик ер» ва «Тикланиш» эсдаликлари сингари «Қўриқ» китоби ҳам мазмун жиҳатидан чуқур ва ёрқин ажойиб асардир, бу эсдаликлар ҳозирги замондаги ва орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам миллион-миллион китобхонлар учун катта тарбиявий аҳамиятга моликдир, — деди ўз сўзида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **К. Яшин**. — Бу китоблар халқ тўғрисида ва халқ учун қандай ёзиш зарурлигининг намунаси ва тимсолидир.

Совет кишиларининг, шиддатли табиат довюрак забткорларнинг баҳодирона образлари «Қўриқ» саҳифаларидан китобхон кўз ўнгида фикран намоён бўлади. Қозоғистоннинг бепоён чўлларига инсон қадам қўйишини асрлар мобайнида кутиб ётарди. Совет кишилари коммунистларнинг ленинчи партияси раҳбарлигида эллигинчи йилларнинг бошида қўриққа кескин ҳужум бошладилар. Ана шу бунёдкорлар армиясининг бошида улкан ва донишманд стратег, Кичик ер ва уруш вайрон этган хўжаликларни тиклаш мактабидан ўтган киши, меҳнат аҳлининг асл фарзанди Леонид Ильич Брежнев турарди.

Бу китобни ғалла учун бўлган буюк жангни ўз кўзи билан кўрган ва унда иштирок этган киши ёзган. Бу китоб ҳаққонийлиги ва кишини яққол ишонтира олишининг илҳомбахшлиги ва сафарбар этувчилик кучга эга эканлигининг сабаби ана шундадир.

Леонид Ильич эсдаликларининг кўпгина саҳифалари бевосита биз, адабиёт ва санъат ходимларига қаратилганлиги биз учун юксак шарафдир. Шу билан бирга бу зиммамизга жуда кўп вазифалар юклайди. Биз эсдаликларда совет санъатининг интернационал моҳияти тўғрисидаги, санъаткорнинг юксак гражданлик бурчи ҳақидаги кўпгина чуқур фикрларни топа оламиз.

Леонид Ильич Брежневнинг бадиий сўз усталари тўғрисидаги самимий сўзлари партия меҳнатимизни нақадар юксак баҳолаётганлигининг, меҳнатимизга нақадар муҳим ижтимоий аҳамият бераётганлигининг яна бир далилидир. Бундай юксак баҳо бизнинг зиммамизга кўпдан-кўп вазифалар юклайди, меҳнатимиз, ҳар бир сўз учун янада каттароқ масъулият ҳиссини уйғотади.

Ўртоқ Брежневнинг китоби одатдан ташқари қийин келган ушбу куз кунларида Ўзбекистон пахтакорларига, республикамиз барча меҳнаткашларига «оқ олтин» учун олиб борилаётган курашда мадад бўлади, кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади, ғалабага бўлган ишончни яна мустаҳкамлайди.

«Қўриқ» эсдаликлар китоби бизни курашга ва ғалаба қозонишга ўргатди, — деди ўз нутқида Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз комплекс пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Т. Дадажонов**. — Бу китобнинг кучи — унинг ҳаққонийлигида. Мен ва ўртоқларим «Қўриқ»ни ўқир эканмиз, биз Мирзачўлнинг асрлар давомида ҳувиллаб ётган ерларига биринчи марта келган ўша унутилмас кунларни такрор-такрор эсладик. Бу воқеа 12 йил муқаддам содир бўлган эди. Бу муддат бир кишининг умри учун ҳам қисқа фурсатдир. Лекин ана шу вақт мобайнида нақадар катта ишлар қилинди — ўнлаб замонавий посёлкалар қурилди, жуда соз автомобиль йўллари, электр линиялар, газ магистраллари ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси инсон учун, унинг бахт-саодати учун, деб қилинди.

Леонид Ильичнинг Қозоғистонда қўриқ очиш тўғрисидаги эсдаликлари бизни совет халқи революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига бўлган мустаҳкам садоқатимизни асрашга, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини илҳомбахш меҳнатимиз билан кўпайтиришга даъват этади. Қўриқ — бу минг-минглаб тонна дон, пахта, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларигина эмас, қўриқ — бу меҳнаткаш ва ватанпарвар инсонни тарбиялаш демакдир. Қўриқ мустақилликка ўргатади, одамни интизомли қилади, ишга ижодий ёндашишга ўргатади. Янги техника, ғўзанинг янги навлари одатда Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштларида биринчи марта амалда синовдан ўтиши бежиз эмас. Қўриқдаги хўжалик қарор топган оғир йилларда бригадамиз тобланганлиги ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам «оқ олтин»дан муттасил юқори ҳосил етиштиришга эришиш имкониятини бермоқда. Биз деҳқонлар учун ноқулай келган бу йилги шароитда 252 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнер ҳосил кўтардик. Лекин бу чегара эмас. Минглаб чўлқувар бригадаларда ҳосил кўпаяётганидек бизда ҳам ҳосилдорлик йилдан-йилга ортаверади.

— Янги ерларни ўзлаштириш ғоят катта хўжалик аҳамиятига [...] эмас, айни пайтда катта сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир, бу — Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» асарида муносиб, чуқур тасвирлаб берилган. Айни пайтда унинг кенг тарихий истиқболи кўрсатилган, — деди ўз нутқида В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **С. Х. Йўлдошев**. — Қозоғистондаги қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасидаги шонли, қаҳрамонона ишларнинг бу йилномаси республикамиз қўриқ ерларини ўзлаштирувчи чўлқуварларга ҳам тааллуқли, деб айтишга ҳақлимиз.

Ўзбекистоннинг аграр олимлари қўриқ ерларнинг катта-катта массивларини индустриал метод билан ўзлаштиришга анчагина ҳисса қўшдилар. Улар қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг принципиал янги усулларини ва янги ташкилий формаларини ишлаб чиқдилар, совхозларнинг мақбул ҳажми аниқланди, пахта ва бошқа экинларнинг серҳосил навлари яратилди, суғоришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди, ғўзани парвариш қиладиган ва ҳосилни йиғиштириб оладиган серунум машиналар вужудга келтирилди, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали формалари тавсия этилди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми белгилаган программани бажариш устида астойдил меҳнат қилаётган ҳозирги пайтда ҳам қўриқ ерларни ўзлаштириш тажрибаси жуда катта ҳамиятга эгадир. Илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш қишлоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Чунки фаннинг ролини янада кучайтириш қишлоқ хўжалигини тинмай юксалтириш учун катта аҳамиятга эгадир. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг олимлари ана шу ва бошқа кўпгина проблемаларни ҳал этиш устида ишламоқдалар. Тупроқни ишлаш, ғўзани культивация қилиш, суғориш, ўғитлаш ва бошқа асосий жиҳатлар бўйича регион илмий-тадқиқот муассасаларида тўпланган материаллар ҳосилни программалаштиришга киришиш имкониятини беради, бу — катта майдонларда пахтадан муттасил яллиғ мўл ҳосил олинишини таъминлайди. Бундай иш бошлаб юборилди.

Л. И. Брежневнинг янги китоби аввалги китоблари — «Кичик ер», «Тикланиш» сингари жуда катта сафарбар этувчилик кучига эга, у кишиларни тарбиялайди, ўргатади, бизнинг буюк ва порлоқ мақсадимиз — коммунизм йўлида актив ҳаракат қилишга чорлайди.

— Эсдаликларнинг учинчи китоби бизларнинг ҳаммамизга берадиган сабоқлар, — деди ўз нутқида «Звезда Востока» журналининг бош редактори **Г. П. Владимиров**, — унутилмас ва ғоят муҳим сабоқлардир. Деҳқонлар, партия ва совет ходимлари ўзларининг ҳар бир қадамини ана шу сабоқларга қараб таққослайдилар. «Қўриқ» эсдаликлари олимларни катта-катта халқ хўжалик вазифаларини ижодий ҳал этишга илҳомлантиради. Журналистлар ва ёзувчилар эса бу китобдан халқ ҳаёти билан алоқани ҳамиша мустаҳкамлаш тўғрисидаги ленинча чуқур фикрнинг ажойиб равишда тасдиқланганлигини, коммунистик қурилиш тажрибасига қизиқиб қараш зарурлигини билиб оладилар. Китоб КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми белгилаб берган мамлакатни аграр ўзгартиришнинг улуғвор планларини бажариш учун курашда тобора активроқ иштирок этишни талаб қилади. Ҳар бир босқичда вақт талабларига жавоб берадиган энг муҳим қонуниятларни ва иқтисодий ривожланишнинг етакчи тенденцияларини намоён этадиган муҳим қонуниятларни топа билиш маҳорати, партиявий-сиёсий методларни чуқур таҳлил этиш, конкрет географик регионларда қишлоқ хўжалигини юритишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишда фаннинг ролини аниқ тушуниш, — булар ва кўпгина бошқа масалалар «Қўриқ» китобини қўлга олган кишилар томонидан бундан кейин ҳам ўрганилаверади. Китоб муаллифи бепоён Ватанимизнинг ҳамма жойларидан қўриққа келган ўнлаб кишиларни тасвирлар экан, чўлқуварнинг характерини, қаҳрамонона вақт келтириб, чиқарган характернинг типик мазмунини аниқлаб, чуқур умумий бир фикрга келади.

Республика Ёзувчилар союзи колхоз далаларининг меҳнатчилари билан адиблар алоқасининг янги-янги шаклларини ҳамиша қидирмоқда. Шу хусусда мен сўзимнинг пировардида «Октябрь» журналида ишлайдиган ҳамкасбларимиздан ибрат олиб, «Звезда Востока» журналининг адабий постини тузиш тўғрисидаги фикрни айтмоқчи эдим. Биз комплекс механизация бу қадар кенг ва моҳирлик билан қўлланилаётган, катта қўриқ ер майдонларини ўзлаштираётган областнинг колхоз ва совхозлари меҳнаткашлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаймиз. Бутун мамлакатимизда тарқаладиган журнал саҳифаларида уларнинг тажрибасини ёритишни хоҳлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг фикр-зикримиз республикамиз пахта тайёрлаш планини тезроқ бажаришга қаратилган, — деб таъкидлади ўз нутқида Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозининг директори **С Сиддиқов**. — Биз албатта сўзимизнинг устидан чиқамиз, «оқ олтин»ни сўнгги чаноғигача, сўнгги мисқолигача териб оламиз. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ажойиб «Қўриқ» китоби мана шу долзарб кунларда бизларнинг ҳаммамизга жуда катта илҳомбахш мадад бўлди. Бу китоб кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, билимимизни бойитади, олға қиладиган ҳаракатимиз учун йўл кўрсатади.

«Қўриқ» асари бизга айниқса азиздир. Биз чўлқувар бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Мирзачўл ерларининг чўлқуварлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ғамхўрлиги ҳамда мадади шарофатидан Ватанимиз бахт-саодати йўлида мардона меҳнат қилмоқдалар ва катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Мана шу мавсумда районимиз давлатга қарийб 70 минг тонна пахта сотди. Бундан 18 минг тоннасини «Фарғона» совхози топширди. Биз яқин кунлар ичида бу рақамни 20—21 минг тоннага етказамиз. Мирзачўл ери — хазина, бу хазинанинг калити ўзимизнинг қўлимизда.

Биз бугун «Қўриқ» китобини муҳокама қилар эканмиз, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати ҳаққоний ифодалаб берилган ажойиб асари учун бу китоб муаллифига кўпдан-кўп раҳмат айтамиз. Ўртоқ Брежневнинг китоби ғоят оддий тилда ёзилган. Шунинг учун ҳам у ўзининг чуқур мазмуни, ҳаққонийлиги, фикрнинг лўнда изҳор этилганлиги билан ҳар бир кишига тушунарлидир. Бу асарнинг ҳар бир сўзи янги меҳнат жасоратига илҳомлантиради.

— Биз «Қўриқ»нинг ажойиб сатрларини астойдил эътибор билан ўқир эканмиз, — деди Ўзбекистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш ветеранларидан бири, Ленин мукофотининг лауреати **Е. И. Озерский**. — Бу эпопея социалистик тузум, унинг гуманизми афзалликларини, коммунизм қуриш учун курашда кўп миллатли совет халқи битмас-туганмас куч-ғайратининг яна бир марта яққол намоён бўлганлигини сидқидилдан ҳис этдик. Леонид Ильич Брежневнинг қўриқ эпопеясини партия ва халқ ғолиб чиққан улуғвор жанг билан қиёслаши ҳар бир кишини қизиқтиради.

«Қўриқ очиш, — дейилади китобда, — Коммунистик партиянинг буюк ғояси бўлиб, бу ғоянинг амалга оширилиши, агар тарихий категориялар билан фикр юритиладиган бўлса, мамлакатнинг жонсиз, овлоқ, лекин унумдор Шарқий чўлларини қарийб бир зумда экономикаси ривожланган ва юксак маданиятли ўлкага айлантиришга ёрдам берди».

Леонид Ильичнинг бу сўзлари қўриқ ерларнинг ирригаторлари ва ўзлаштирувчиларига бениҳоя азиздир. Бу сўзлар Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши ва Жиззах массивларини ўзлаштириш, Сурхон-Шеробод водийсини яшнатиш ҳамда Ўзбекистондаги бошқа дашт ва чўлларда зафарларни қўлга киритиш соҳасида қилинган катта ишнинг мазмунини ҳам белгилаб беради. Қўриқ ерлар суғорилиши ва комплекс ўзлаштирилиши туфайли чўллар ўзгариб, у ерларда ҳаёт яшнаб кетди. Мирзачўлнинг янги суғориладиган ерларида ташкил этилган совхозларнинг ўзигина барпо этилгандан буён ўтган вақт ичида уч миллион тоннадан кўпроқ пахта етиштириб давлатга сотди, ўзлаштириш учун қилинган харажатларни аллақачон қопладилар. Қарши даштидаги ўнлаб янги совхозлар ҳозирнинг ўзидаёқ қарийб бир миллион тонна «оқ олтин» етиштирди, Қарши дашти мамлакатда ингичка толали пахта етиштириладиган мустаҳкам қудратли база бўлиб қолмоқда.

Биз Леонид Ильич Брежневнинг китобларини ўқиганимизда яқиндаги қаҳрамонона ўтмиш хотирамизда жонланибгина қолмайди. «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари турли шароитларда партиявий-сиёсий, мафкуравий ва хўжалик ишларини ленинча юритишнинг ёрқин мисолларидир. Леонид Ильич асосий йўналишларда партиямиз фаолиятининг муҳим томонларини кўрсатиб, тажрибани ижодий ўзлаштиришга, Ватанимиз бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишга, камчиликларга муросасиз бўлишга, халқ фаровонлиги учун бутун куч-ғайратни бағишлашга ўргатади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.


Йиғилиш иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ», «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларидаги қоидаларга асосланиб КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга республика меҳнаткашларини сафарбар қилиш соҳасидаги ишни янада активроқ олиб борамиз, деб айтдилар. Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига мустаҳкам жипслашган Ўзбекистон меҳнаткашлари меҳнатда республика экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришда янги зафарлар сари комил ишонч билан олға бормоқдалар.

Идеология ходимлари активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

• Бахтимиз учун курашганлар

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ



…МАЛ ИКРОМОВ ТУҒИЛГАН КУНГА 80 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Қаҳрамон … совет … кунларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг … асари «Қўриқ»ни … кўтаринкилик билан … ўқимоқда. Бу … сарда, … «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари … Л. И. Брежнев … социалистик Ватанимиз … содиқ фарзандлари … ҳурмат билан … олади.

Йирик … арбоби Акмал Икромов ҳаёти ва фаолияти ҳақида … эгаллайди.

А. Икромов 1898 йил ноябрида Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида эски мактаб ўқитувчиси оиласида туғилди. 14 кишидан иборат оилани иқтисодий таъминлаш ташвиши тез орада А. Икромов бошига тушди. У тошкентлик савдогар қўлида хизматкор бўлиб ишлади ва меҳнатнинг ниҳоятда оғирлигини ўз бошидан кечирди.

Акмал Икромов тез орада ишчилар сафидан ўрин олади. У сувоқчи бўлиб ишлайди. Шу пайтда Акмал ўз устида қунт билан ишлайди. У ўзининг ақли тиниқлиги ва хотираси зўрлиги, билимга ташналиги билан ўз замондошларидан ажралиб турар эди. Хатто ўзининг отаси Икром домла Акмални болаларга бошқа билимлар ўргатаётганлиги учун ўз мактабидан четлатган эди. Икром домла ўз ўғлининг диний хизматда бўлишини истар эди. Аммо Акмал бу йўлни рад этди.

Акмал ўзбек, форс, араб ва рус тилларини қунт билан ўрганди. У Навоий, Фирдавсий, Ҳайём ва Низомий асарларини ёддан билар эди.

Акмал қурувчи ишчилар сафида бўлган даврида В. И. Ленин ва большевиклар ҳақида маълумот олди. Рус ишчиси Корнюшин билан дўст бўлди, у Акмал Икромов ҳаётида катта роль ўйнади.

1917 йилда Акмал ота-онасидан жудо бўлди. Бу эса унинг ҳаётини жуда ҳам чигаллаштириб юборди. Пскент уездидан Тошкентга қайтишга мажбур бўлди. 1917 йил августдан бошлаб Акмал Тошкент педагогика курсида беш ой ўқиди. Бу ерда у большевиклар билан танишди ва уларнинг топшириқларини бажариб турди. Сўнгра у Ўқчи маҳалласидаги совет мактабида ўқитувчилик қилди.

Октябрь революциясининг биринчи кунларидан бошлаб Акмал унинг ғоялари учун курашди. У эски шаҳар ўқитувчилар касаба союзи президиуми аъзолигига сайланди.

Акмал Икромов 1918 йил 18 февралда большевиклар партияси сафига кирди.

1919 йил январида Акмал Икромов осиповчиларнинг контрреволюцион қўзғолонини бостиришда фаол қатнашди.

1919 йилда партия Акмал Икромовни Наманганга ишга юборди. У ерда халқ маориф бўлимида, Наманган шаҳар-уезд партия ташкилотининг мусулмон бюроси раиси бўлди, маданият бўлимида ишлади. Акмал Икромов Наманганда ишлаётган даврида В. И. Лениннинг сафдоши Валериан Владимирович Куйбишев билан учрашган эди.

1920 йилнинг сентябрида А. Икромов Бутунроссия ишчи, деҳқон, Қизил Армия ва казаклар депутатлари Советларининг VIII съездига делегат қилиб сайланади. Бу съездда А. Икромов биринчи марта В. И. Ленинни кўрган эди. Маълумки, бу съездда ГОЭЛРО плани тасдиқланган.

Акмал Икромов 23 ёшида Туркистон Коммунистик партиясининг масъул секретари қилиб сайланди. Бу даврда троцкийчиларга қарши қаттиқ кураш кетаётган эди. Акмал Икромов бу курашда ленинча йўлни ҳимоя қилди ва троцкийчиларга қарши курашда тобланди.

1921 йилда А. Икромов РКП(б)нинг Бутунроссия XI конференциясида ва Советларнинг IX Бутунроссия съездида делегат бўлиб қатнашди. Бу съезд В. И. Ленин раҳбарлигида ўтди. А. Икромов бу съездда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси бўлиб сайланди. Унга В. И. Ленин ҳам овоз берган эди.

1925 йил февралида Ўзбекистон Компартиясининг I съезди ВКП(б) нинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартиясининг тузилганлигини расмий равишда эълон қилди. Ўзбекистон Компартиясининг I Пленуми (1925 йил феврали) Акмал Икромовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари қилиб сайлади.

Михаил Иванович Калинин Ўзбекистон Компартияси I съездидаги нутқида А. Икромов ҳақида бундай деган эди: «Мен ўртоқ Икромовни танимас эдим. Лекин унинг нутқини эшитиб завқландим. Унинг нутқи ҳақиқий ишчи нутқидир. У ҳозиргина ишчи фабрикасидан келганга ўхшайди. Мен уни зиёли деб айтсам, менга уни ишчи деб тушунтиришди. Мен ҳозиргина унинг нутқини эшитдим. Менга Ўрта Осиёли Икромов нутқи худди Петербург ишчисининг нутқидек туюлди. Ишчиларнинг бир-бирига ўхшаш характерли белгилари шундан иборат».

Акмал Икромов 1929 йилнинг 18 декабрида Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретарлигига сайланди. Бу лавозимда унинг истеъдоди, қобилияти, партиявий маҳорати янада яққол намоён бўлди.

А. Икромов Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш учун кўп куч сарфлади. Йўлдош Охунбобоев Акмал Икромовни «пахтачиликни энг яхши биладиган киши» деб атарди. У Совет Иттифоқининг пахта мустақиллигини таъминлаш ташкилотчиларидан бири эди. А. Икромов В. И. Лениннинг миллий масала ҳақидаги асарларини қунт билан ўрганди.

А. Икромов адабиёт билан қизиқар эди. Адабий китобларни қунт билан ўқирди. Унинг ҳамнафас дўстлари орасида Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Ойбек, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева каби кишиларни кўриш мумкин эди. Акмал Икромов Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини нашр эттиришда жонбозлик кўрсатди.

Акмал Икромов рус тилини ўрганиш кераклиги ҳақида кўп гапирар эди. У бундай деган: «Рус тилини билиш — бу бизни дунё пролетариати сафларига тезроқ қўшилиб кетишимизнинг гаровидир. Рус тили бу Октябрь революциясининг тилидир. Биз рус тилини билишимиз керак».

Акмал Икромов 1932 йилнинг 11 январида Тошкент шаҳрининг Пролетар район партия активи йиғилишида тарихий нутқ сўзлади.

Совет ҳокимияти Тошкентнинг гуллаб-яшнашига йўл очиб берди. Акмал Икромов қуйидаги рақамларни келтирди: Тошкентнинг территорияси 200 квадрат километр (20 минг гектар), кўчалари узунлиги 1250 километр, аҳоли сони 427 минг киши (1 май 1931 йилгача) 58000 ишчи ва 13000 ҳунарманд яшайди, студент ва мактаб ўқувчиларининг сони 33000, коммунистларнинг сони 14900 ва комсомоллар сони эса 23500 кишига етган. Кўчаларда 1085 фонар бўлиб, ҳар бир кўчага биттадан ҳам тўғри келмас эди.

Бундай рақам ва фактлар энди архив жилдларидан жой олди. Ҳозирги Тошкент партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги билан ва халқлар дўстлигининг кучи асосида дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Аҳолисининг сони салкам икки миллион кишига етди.

В. И. Лениннинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган биринчи таржимон-муҳаррирлардан Акмал Икромов ўзининг жўшқин фаолиятида ҳамиша Ленин партияси ғояларига амал қилди, турли хил оғмачиларга қарши кураш олиб борди. У 1924—34 йилларда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси, 1931—34 йилларда эса ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг секретари бўлиб ишлади.

У «Коммунист» («Ўзбекистон коммунисти») журналининг ташкилотчиларидан бири ва биринчи муҳаррири бўлган. Акмал Икромов Ўзбекистонда социалистик қурилишда кўрсатган хизматлари учун 1934 йилда Ленин ордени ва Ўзбекистон республикаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. А. Икромов оқилона, камтарин инсон эди.

У ҳақда «Правда» газетаси бундай деб ёзган эди: «Акмал Икромов ҳаёти — бу ленинча миллий сиёсат амалга оширилиши натижасида, омма сиёсий онглилигининг ўсиши натижасида халқ оммаси заминидан ҳақиқий партия раҳбарлари етишиб чиқиши мумкинлигининг ёрқин мисолидир».

Ўртоқ Л. И. Брежнев оташин революцион курашчи ва марксизм-ленинизм ғоясининг жанговар тарғиботчиси А. Икромов фаолиятига жуда катта баҳо берди. Партиямизнинг содиқ фарзанди Акмал Икромов номи халқимиз қалбида абадий яшайверади.

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари.

физкультура ва СПОРТ

• *Қуйи физкультура коллективларида*

ҲАММА УЧУН ОЧИҚ

Ирригация бўйича Давлат ихтисослашган конструкторлик бюроси физкультура коллективининг сузиш ҳавзасида эртадан кечгача машғулотлар давом этади. Бу ерда саломатлик группалари, ёш сузувчилар малака ҳосил қилишади. Муассаса ходимлари ГТО нормативини бажаришади.

Усти ёпиқ 25 метрли бу сузиш ҳавзаси Давлат ихтисослашган конструкторлик бюросининг собиқ бош инженери К. Г. Абель ташаббуси асосида муассаса коллективи томонидан бунёд этилган эди. Бир неча йилдан буён бу ерда К. Г. Абель кубоги учун ҳар йили бир марта оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бу мусобақаларни ҳақиқий маънода физкультура, саломатлик, бардамлик мусобақалари деб аташ мумкин. Бу ерда оила эстафетаси беллашувлари ҳам ўтказилади. Бу мусобақаларда ёшлар ҳам, кексалар ҳам иштирок этишади.

Сузиш ҳавзасининг ходимлар коллективи унчалик кўп эмас. У уч тренер ва директордан иборат. Лекин шу коллектив муассасада меҳнат қилаётган барча ходимларни спортга тортиш, уларга сузиш сирларини ўргатиш, учун жуда кўп тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозир бу ерда кўплаб саломатлик группалари ишлаб турибди. Бу группаларда ўнлаб ташкилотларнинг ходимлари шуғулланишяпти. Тушки овқат пайтида ҳам сузиш ҳавзаси гавжум бўлади. Бу вақтда «Нептун» клубининг аъзолари машқ ўтказадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ирригация бўйича Давлат ихтисослашган конструкторлик бюросининг сузиш ҳавзаси чин маънода Собир Раҳимов райони территориясидаги барча физкультура коллективлари учун сузиш марказига айланиб қолди. Яқинда жойлашган мактаб, техникум, олий ўқув юртлари, заводлар ва лойиҳа ташкилотлари «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» комплекси нормаларини шу ерда бажаришади, машқларини шу ерда ўтказишади. Тахминий маълумотларга қараганда бу ерда ҳар йили 2 мингга яқин Собир Раҳимов районида меҳнат қилаётган кишилар ГТО комплекси нормативини бажармоқда.

«ПАХТАКОР» II-ЎРИНДА

Футбол бўйича XXXXI СССР чемпионати ўйинлари ниҳоясига етди. Командалар жамғарган очколарига қараб, якуний жадвалдан жой олишди. Ворошиловграднинг «Заря», Ленинграднинг «Зенит» командалари билан тенг — 26 очко тўплаган «Пахтакор» турнир жадвалининг ўн биринчи қаторида ўрнашди. Бу нарса жуда кўп футбол мухлислари ва газетхонларга ғайри табиий туюлмоқда. Улар редакциямизга хат йўллашиб, тўплар нисбати яхши бўлган «Пахтакор» нима сабабдан «Заря» ва «Зенит» коллективларини олдинга ўтказиб юборганлигини тушунтириб беришни илтимос қилишмоқда.

СССР футбол федерацияси томонидан тасдиқланган қоидада мамлакат биринчилигида бир неча команда бир хил очко тўплаган тақдирда тўплар нисбати яхши бўлган команда эмас, балки шу командалар ўртасидаги ўзаро учрашувларда энг яхши натижага эришган команда юқори ўринга қўйилиши таъкидланган.

Шунинг учун ҳам мавсумни бир хил натижа билан якунлаган «Заря», «Зенит», «Пахтакор» командалари ўртасидаги ўзига хос микро турнирда энг яхши натижага эришган «Заря» командаси мамлакат биринчилиги жадвалининг тўққизинчи поғонасидан жой олди. Бу команда «Зенит» командаси билан бўлган учрашувларда уч очко тўплаб, «Пахтакор»ни икки марта мағлубиятга учратган эди. «Зенит»га шу командадан олган бир очко жуда асқотди, у «Пахтакор» билан ўтказилган учрашувларда ҳам икки очко тўплашга эришганди. Бу нарса ленинградлик футболчиларга кучли ўнликдан жой олиш имконини берди. Бу командалар билан бўлган тўрт учрашувда икки очко тўплаган пахтакорчилар эса ўн биринчи ўринни эгалладилар.

Мусобақалар хроникаси

СССР спорт комитети ва бош тренерлар совети томонидан чим хоккей бўйича аёллар командалари ўртасида мамлакат биринчилигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу йилнинг якунига кўра олий лигада қатнашадиган командалар составианиқланди. Унга Андижоннинг «Андижанка», Москва областининг «Спартак», Москва шаҳрининг «Спартак», Горький шаҳрининг «Спартак», Тошкентнинг «Университет», Бокунинг «Спартак», Олмаотанинг «Буревестник» командалари кирибди. Саккиз команда мамлакатда биринчи ... чемпионатининг совринлари ...

Фарғона шаҳрида ...илар. Учрашувлар «Буревестник» спорт ... сентябрь ... нинг чемпионатида 150 дан ... спортчи қатнашди.

Беллашувларда Тошкент физкультура институти спортчилари яхши қатнашиб ... марга фахрий ... пиллишди. Жумладан, К. Норматов, Н. Нурбоев, Р. Ҳи... И. Алимбековлар ана шундай бахтга муяссар бўлишди. Тошкент политехника институтининг студенти А. Қодиров, Тошкент Давлат университетининг студенти Р. Холиқов, педагогика институтининг студенти С. Павлик, медицина институтининг студенти А. Султоновлар ҳам турнирнинг бош совринини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

* * *

«Буревестник» студентлар кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг Гродно шаҳрида бўлган классик кураш бўйича биринчилигида 140 дан зиёд спортчи қатнашди. 1961—1963 йилларда туғилган бу ёш полвонлар орасида республикамиз вакиллари ҳам бор эди. Улар беллашувларда яхши қатнашдилар. Жумладан, Тошкент Давлат университетининг студенти ... 75 килограмм оғирликда ... Тошкент Давлат ... биринчи ... институтининг студенти Б. Ким эса ик... ...

▲ КУРАШ

ҚЎМОНДОН ХОТИРАСИ УЧУН

«Ёшлик» спорт аренасида ўзбек қўмондони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал Собир Раҳимов хотира соврини учун классик кураш бўйича ўтказилган анъанавий VII турнир ниҳоясига етди. Турнир Тошкент шаҳар спорт комитети томонидан ўтказиб келинмоқда.

...оммавий мусобақаларда иштирок ... РСФСР, Украина, Тожикистон ... Озарбайжон, ... учун бўлган беллашувларга ... халқаро спорт мастери ва 70 спорт мастери иштирок этди.

Анъанавий Бутуниттифоқ турнирда қуйидагилар ғолиб чиқишди: А. Усмонов (Тошкент), С. Новиков (Новосибирск), Г. Дикдимаев (Тошкент), В. Кривих (Фарғона), Р. Халилов (Тошкент), Ю. Комаров (Таллин), К. Майсиадис (Тошкент), И. Нешин (Тошкент), С. Попов (Новосибирск), С. Евонин (Киров).

Турнир якунида 22 спортчи СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Улардан 12 нчиси республикамиз вакилларидир.

БИРИНЧИ ЛИГАГА ЙЎЛЛАНМА

Йўлланмани бир неча кун илгари олган Харьковнинг «Металлист» командаси билан бирга «Звезда» (Пермь) ва «Спартак» (Нальчик) командалари ҳам келаси мавсумда мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. «Звезда» командаси ўз майдонида ўтказилган жавоб учрашувида биринчи ўйиндаги каби «Трактор» (Павлодар) командаси устидан 2:0 (1:0) ҳисобида зафар қучди. «Спартак» эса 15 ноябрь куни Фрунзеда «Олға» командасига 0:1 (0:0) ҳисобида ютқазиб қўйди, лекин нальчиклик футболчилар биринчи учрашувда 2:0 ҳисобида ғалаба қозонгани учун фахрли йўлланма уларга ҳам тегди.

Биринчи лигани эса фақат битта команда — «Колхозчи» (Ашхобод) командаси тарк этади.

«ОЛТИН ҚИРҒОВУЛЛАР» БИЛАН

ОЛМАОТА. Қозоғистон пойтахтида «Олтин қирғовуллар» учун стендли отиш бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақа ғолибларига анъанага кўра қушларнинг тулупи — «Вечерная Алма-Ата» газетаси таъсис этган мукофотлар топширилди.

Фрунзелик Анатолий Шипегусев 182 очко тўплаб, траншеяли стендда отиш бўйича ҳаммадан ўзиб кетди. Курсклик Александр Стародуб ва москвалик Владимир Корзинков ундан бир очко кам жамғаришди.

Нижний тагиллик Владимир Грачев айлана стендда ҳаммадан кўп—193 очко тўплади. Москвалик Валерий Иванов ва фрунзелик Николай Гапоненко ундан уч очко орқада қолдилар.

Ёш спортчилар орасида тошкентлик Рафиқ Муҳаммадёров (у траншеяли стендда 178 та нишонга тегди) ва айлана стенд бўйича 189 очко тўплаган таллинлик Юрий Метс алоҳида маҳорат кўрсатдилар.

Мусобақа давом этган уч кун мобайнида ҳаво совуқ бўлди, спортчилар юқори натижа билан ўзларини кўрсата олмадилар.



Опа-сингил Клара ва Роза Каримовалар деярли икки йилдан буён спортнинг камондан отиш тури билан шуғулланиб келишмоқда. Улар турли мусобақаларда иштирок этиб, биринчи разряд нормативини бажаришга эришдилар.

Х. Мирзакаримов фотоси.

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Европа футбол чемпионатининг саралаш ўйинлари давом этмоқда. Польша терма командаси Вроцлавда Швейцария командаси (тўртинчи группа) устидан 2:0 (1:0) ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни Бонек ва Огаза киритди. Польшалик футболчилар шу учрашувдан кейин тўрт имкониятдан тўртта очко тўпладилар, группада эса Роттердамда ГДР терма командасини 3:0 (1:0) ҳисобида мағлубиятга учратган голландлар (олти имкониятдан олти очко тўплаган) пешқадамлик қилишмоқда. Ҳисобни меҳмонлар... (ГДР командасининг ҳимоячиси Кише 17-минутда тўпни ўз дарвозасига тепиб киритди) очдилар. Иккинчи таймда голландлар ҳужумчиси Геелс иккита тўп киритиб (шулардан биринчиси ўн бир метрлик жаримадан) алоҳида маҳорат кўрсатди.

Австрия терма командаси Венада Португалия командасига (иккинчи группа) 1:2 (0:1) ҳисобида ютқазиб қўйди. Тўпларни ғолиблардан Неие ва Альберто, майдон эгаларидан эса Шахнер киритди. Австрияликлар ҳамон группада пешқадамликни (уч ўйиндан тўрт очко) давом эттирмоқдалар.

Учинчи группада турнир жадвалининг юқори қаторини Валенсияда Румыния командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган испан футболчилари эгаллаб турибди. Испания терма командасининг капитани Асензи 9-минутда тўп киритди.

СССР терма командасининг олтинчи саралаш группаси бўйича рақиблари — Венгрия ва Греция командалари ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Венгрия футболчилари Франкфурт —Майнда ГФР терма командаси билан учрашдилар. Бу учрашув шу йил команда билан хайрлашган ГФР терма командасининг тренери Хельмут Шен шарафига ўтказилди. Учрашув бир соатгина давом этди, кейин эса майдонни қоплаган кучли туман сабабли арбитр 0:0 ҳисобида ўйинни тўхтатди.

Греция терма командаси Скопледа Югославия командасидан 1:4 ҳисобида мағлубиятга учради.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Оламнинг яратилиши**, 25/XI да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да **Келинлар қўзғолони**, 25/XI да **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/XI да **Хотинимнинг эри**, 25/XI да **Тошболта ошиқ.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Аренада москваликлар» янги цирк томошалари (19.30).

КИНО

24 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ» — **С. Раҳимов номли.**

«ОИЛА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Дружба.**

«ЎЗБЕКИСТОНДА ФРАНЦИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ» — **Мир.**

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Чайка.**

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — **Пионер.**

«МУСТАҚИЛ РАВИШДА, ЯККА-ЯККА» — **Нукус.**

«ОКТЯБРЬ ЕРДУСИ» — **Фестиваль.**

«АЛАНГА ИЧИДАГИ ОДАМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«ҲАЛИ ҲАММА ҚАЙТГАНИЧА ЙЎҚ» — **Тинчлик.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОДДИЙ МУҲАББАТ» (эрталаб) — **Чайка.**

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ» (кечқурун) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Дружба, Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ҚУРОЛЛАНГАН ВА ЖУДА ХАВФЛИ» — **Нукус.**

«ОЙ ТУҚҚАН ТУНДА» — **Лисунов номли, Тинчлик.**

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — **Лисунов номли, Юнусобод.**

«ШУМ БОЛА» — **Янгиобод.**

«ҚУЁШ ОСТИДАГИ ЧАНГ» — **Юнусобод.**

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — **С. Раҳимов номли, Искра.**

«ИВАННИНГ БОЛАЛИГИ» (кундуз) — **Пионер.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Кўкча, Чайка, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нукус, Ғунча, ВЛКСМ 30 йиллиги, Тинчлик, Москва, Дружба, Фестиваль.**

25 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОИЛА» — **Дружба.**

«ЎЗБЕКИСТОНДА ФРАНЦИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ» — **Мир.**

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Чайка.**

«САЛОМ ПОЙТАХТ!» — **Москва.**

«МУСТАҚИЛ РАВИШДА, ЯККА-ЯККА» — **Нукус.**

«ОКТЯБРЬ ЕРДУСИ» — **Фестиваль.**

«АЛАНГА ИЧИДАГИ ОДАМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«ҲАЛИ ҲАММА ҚАЙТГАНИЧА ЙЎҚ» — **Тинчлик.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОДДИЙ МУҲАББАТ» (эрталаб), «ТАҚДИР» (кечқурун) — **Чайка.**

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ» (кечқурун), — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Дружба, Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ҚУРОЛЛАНГАН ВА ЖУДА ХАВФЛИ» — **Нукус.**

«ОЙ ТУҚҚАН ТУНДА» — **Лисунов номли, Тинчлик, С. Раҳимов номли.**

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — **Юнусобод.**

«ШУМ БОЛА» — **Янгиобод.**

«ҚУЁШ ОСТИДАГИ ЧАНГ» — **Юнусобод.**

«ВАҲИМА ШИФОСИ» — **Янгиобод.**

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — **Искра.**

«ИВАННИНГ БОЛАЛИГИ» (кундуз) — **Пионер.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **С. Раҳимов номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги номли, Кўкча, Чайка, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нукус, Ғунча, ВЛКСМ 30 йиллиги, Тинчлик, Москва, Дружба, Фестиваль.**

Сирдарё область Ильич районидаги Беруний номли 5-ўрта мактаб, томонидан **Зулфанов Абдуваит** номига берилган 594592 номерли

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎҚОЛГАН

АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АВТОХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АВТОМАШИНА ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ДОРОЖНАЯ АПТЕЧКА



Медицина саноати корхоналарида транспорт воситалари учун юмшоқ ғилофли қулай аптечкалар чиқарилмоқда. Аптечкада боғлаш материаллари, антисептик ва бошқа моддалар мавжуд бўлиб, биринчи медицина ёрдами кўрсатишга мўлжалланадир. Бу аптечка кутилмаган йўл ҳодисаларида сизга жуда қўл келади.

Минмедпром Союзмедсбитининг Марказий улгуржи-савдо конторази.

ҲАМИША КЕРАКЛИ КАСБ

СОТУВЧИ ЭНГ ОММАВИЙ ... ЛАРДАН БИРИ.

БУ КАСБ ЎЗ ЭГАСИДАН ИНСОНЛАРГА НИСБАТАН ҲАМИША МЕҲРИБОН ВА ҲАЙРИХОҲ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА, МАХСУС БИЛИМЛАР, МЕҲНАТ КЎНИКМАСИ ВА ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЭГАЛЛАШНИ ҲАМ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Энг яхши сотувчи харидорга у ёки бу молни чаққонлик билан олиб бериши билан бирга бу молнинг афзалликлари ҳақида гапириб бериши, ҳатто шу янгилик билан қизиқтираолиши лозим.

Бунинг учун сотувчи ҳар томонлама маълумотли киши бўлмоғи керак. Одамлар билан ҳар бир минутда муомала қилаолиш учун эътиборли, сезгир, энг муҳими хушмуомала бўлиш керак. Ана шундай хислатлар аёлларда кўпроқ мужассамлашган бўлади.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, БИРИНЧИ НАВБАТДА СИЗ, ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!

АГАРДА СОТУВЧИЛИК ИХТИСОСЛИГИНИ ЭГАЛЛАШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ, «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.



6 ойлик ўқиш давомида сиз хўжалик ва маданий-маиший моллар билан савдо қилиш касбини ўрганасиз. Мактаб-магазин—бу савдо корхонаси бўлиб, унда таълим меҳнат практикаси билан қўшиб олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга товаршунослик, савдо хизмати, савдо эстетикаси ва психологияси, совет ҳуқуқи асослари дарслари бўйича лекциялар ўқийдилар. Амалий машғулотларда эса (ана шу магазиннинг ўзида) иш учун керак бўладиган меҳнат маҳоратини эгаллайди.

Ишлаб чиқариш таълими мастери Райҳон Исроиловна Мамадалиева, мактаб-магазин ва унинг битирувчилари тўғрисида ҳикоя қилиб беради.

— Мактаб бу йил ўзининг 10 йиллигини нишонлади. Ана шу йиллар мобайнида мингдан зиёд мутахассислар тайёрланди. Бизнинг битирувчиларимиз мактаб-магазинни тугатганларидан кейин «Ташхозкультторг»нинг магазинларида ишлаш учун йўлланма олдилар. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги катта сотувчилар, бўлимларнинг мудирлари бўлиб етишдилар, ўзлари эса эндиликда ёшларни савдо ишига ўргатмоқдалар. Савдо бошқармасининг ва мактаб-магазиннинг раҳбарлари ўқувчилар ўз билимлари ва малакаларини оширишлари учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Мактаб-магазин ўқувчиларнинг техникум ва институтларда ўқишларини давом эттиришлари учун йўлланма беради.

Мактаб-магазиннинг синфхоналари керакли бўлган ўқув ва кўргазмали қўлланмалар билан жиҳозланган.

ЎҚИШЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

МАКТАБ-МАГАЗИНДА ЎҚИШ ДАВРИ — УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мактаб-магазинга 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: аттестат, паспорт, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) ҳажмида.

Машғулотлар 1 декабрда бошланади.

Маълумотлар олиш учун 47-мактаб-магазинга қуйидаги адрес бўйича мурожаат этинг: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй, (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон 53-47-24.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

24 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.45 Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 54 йиллигига бағишланган МХР телевидениесининг программаси. 19.55 «Саргузашт фильмлар экрани». «Паспортсиз киши». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинопанорама». 23.35 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари». 00.20 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Леопольд лақабли мушукнинг қасос олиши». Болалар учун мультфильм 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 1978 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреатлари. 18.50 «Идеология ва ҳаёт». «Халқ жасоратининг солномаси». Қарши чўлини ўзлаштирувчилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби ҳақида. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.50 «Саҳна усталари». М. Уйғур. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада коллективларининг республика конкурси. Марғилон «Наврўз» ҳаваскорлик вокал-чолғу ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.30 «Олис орол сири». Болалар учун мультфильм. 20.00 «Қорли жилолар». Фильм-концерт.

25 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «АБВГДейка» 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.25 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 12.45 Югославия Социалистик Федератив Республикаси телевидениесининг миллий байрам — Республика кунига бағишланган программаси. 13.45 «Инсон». Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 14.30 А. Ли... дов, Саккизта рус халқ қўшиғи ... Марказий телевидение ва Бут... ниттифоқ радиосининг рус ха... чолғу академик оркестри чала... «Мўъжизасиз-мўъжизала... 15.45 Мультфильмлар програм... си. 16.15 «Правда» газетаси... сиёсий шарҳловчиси Ю. А. ... ковнинг халқаро мавзулар... суҳбати. 17.00 Хоккей бў... СССР чемпионати. «Спартак» «Крилья Советов». МАСК с... саройидан олиб кўрсатилади. ... танаффус пайтида — «Спорт... тиражи. Янгиликлар. 19.30 ... ниш қўшиқлари». 20.10 «Оке... ги ороллар». Телевизион спект... премьераси. Автор — Э. Хем... эй. 1-қисм. 21.30 «Вақт» ин... мацион программаси. 22.00 ... андаги ороллар». Телевизион ... такли нинг давоми. 2-қисм. «Рақс зали». 24.00 Янгилик...

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар програм... 10.00 Янгиликлар. 10.10 Т... зион миниатюралар театри. Самарқанд опера ва балет т... солистларининг концерти. Ота-оналар учун консуль... 13.20 «Замандас» програ... (қозоқ тилида). 14.30 Мо... Халқ Республикаси эълон ... ганлигининг 54 йиллигига. ... ренхур нималар ҳақида ... қилди». Телевизион ҳуж... фильм. 17.30 Кўрсатувлар ... раммаси. 17.35 «Қизиқарли ... шувлар». Ёш мухбирларни... бекистон ССР Фанлар ак... сининг мухбир аъзоси, ре... када хизмат кўрсатган ... боби, профессор У. О. Ори... лан учрашуви. 18.05 ... студияси кўрсатади. «С... вони». Телевизион журн... «Халқаро ҳаётнинг акту... лемалари». 19.15 «Ахбо... формацион программас... 19.30 «Мусиқа ва либо... Телевизион ҳужжатли ф... мьераси («Ўзбектелефил... «Ахборот» информацион ... маси. 20.50 «Санъаткор... сил усталарига». 21.3... «Вақт» информацион ... си. 22.00 «Пахтазор... майдони». 22.15 «Телв... ранида биринчи марта»... қилишга ҳаққинг ... фильм. 23.40 Кўрсатувла... раммаси.

4 бет ТОШКЕНТ оқшоми ... НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш ва шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-58-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ... ҳарбий ишлар — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42. 38-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

Р—07930. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр 468.